



Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуриimiz бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 28 июнь сешанба № 27-28 (754-755)

e-mail: info@press-iq.uz www.minjust.uz

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига

Қадри дўстлар!
Авваламбор, сиз, ҳурматли журналистлар, нашриёт ва матбаа соҳаси вакиллари — бугунги кунда тобора ўткир ва таъсирчан кучга эга бўлиб бораётган, оғир ва машаққатли, шу билан бирга, шарафли касб эгаси бўлган, ўзини ахборот соҳасини ривожлантиришдек олижаноб ишга бағишлаган сиз азиятларни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин билан самимий муқаддас қилиб эътибор қилиш билан қўлиб келган.

Албатта, ҳаммамиз учун азиз ва муқаддас бўлган Ватанимиз мустақиллигининг яқинлашиб келаётган 20 йиллик буюк санаси арафасида ўтаётган бу байрамнинг алоҳида маъно-маъниси борлигини, ўйлаётганимиз, нафақат соҳа ходимлари, балки уларнинг ижоди ва меҳнати маҳсулидан ҳар кун баҳраманд бўладиган миллионлаб юрtdошларимиз, бутун халқимиз яхши англайди.

Айни шундай дамларда эл-юртимиз ҳаётида тарихан қисқа бир даврда рўй берган ўзгаришлар — ўз куч ва салоҳиятимизга таяниб, миллий давлатчилигимизни қайта тиклаш, сиёсий ва иқтисодий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, кенг қўллади иқтисодларни амалга ошириш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, халқаро майдонда мамлакатимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришга эришиш йўлида қандай улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритганимиз ҳақида сўз юритишимиз табиийдир.

Айни шу кунларда оммавий ахборот воситалари соҳасида амалга оширган ишларимизга танқидий баҳо берад эканмиз, улардан тўғри хулоса чиқариш, замоннинг ўзи талаб қилаётган муҳим масалаларни кун тартибига қўйиш ва уларни ҳал қилиш барчамиз учун энг долзарб вазифа бўлиб тургани хусусида ортқча гапиришга ҳолат йўқ, деб ўйлайман.

Бугунги кунга айёмда ўлкамизда мустақил миллий матбуот пайдо бўлган даврдан бошлаб, бу ишнинг тамал тошини қўйган, доимо халқ билан, унинг дарду таъшиларини, эзгу орзу-умид ва интилишларини билан яшаган маърифатпарвар боболаримиз, бу йўлда ўзини фидо қилган инсонларнинг, муҳтарам фарҳанглиримизнинг номларини ҳурмат ва эҳтиром билан ёд этаемиз.

Юртимизда амалда ўзини оқламаган эски мафкура ҳукмронлик қилган даврларни эслар эканмиз, шуни тан олишимиз керакки, ўша замонда ҳам ахборот соҳасининг жонқуяр намоёндалари, қандай оғир бўлмасин, воқеликни тўғри ёритиш, халқимиз бошидан кечирган машаққатли кунларни юратидан, қалбидан ўтказиш, яқин тарихимиздаги машъум йилларда миллиятимизнинг қадр-қимматини, шаънини ҳимоя қилиш, турли тўхмат ва бўхтонлардан асраш, энг муҳими, миллий қадриятларимиз, ўзлгимизни сақлашда ўзини аямасдан, виждонан хизмат қилганини, мардлик ва маънавий жасорат кўрсатганини бугун катта миннатдорлик тилга олишимиз ўринлидир.

Биз мустақилликка эришган биринчи кунларданқ миллий гоъни шакллантириш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек буюк мақсадларни ҳар қайси инсоннинг онгида, маънавий оламида кенг қарор топтириш йўлида матбуотимиз катта ҳисса қўшаётганини, бунинг аҳамияти ва муҳиятини алоҳида

таъкидлаш ва эътироф этиш зарур, деб биламан.

Шу борада одамларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг дунёқараши тобора ўзгариб, уларнинг онгу тафаккури юксалиб, сиёсий ва фуқаролик фаоллиги, дахлдорлик туйғуси ошиб бораётган бир пайтда бу жараёнларда айнан матбуот соҳасининг ўрни ва таъсири юксак баҳолашимиз албатта адолатдан бўлади, деб ҳисоблайман.

Азиз дўстлар!

Бугун биз XXI асрда — глобаллашув деб ном олган, шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшар эканмиз ва ўз олдимизга Ўзбекистонни ривожланган демократик давлатлар қаторига олиб чиқиш мақсадини қўйган эканмиз, давр талаблари билан ҳамроҳанг ва ҳамқадам бўлиб ҳаёт кечириб бораётганимиз ўзимиз учун ана бир буюк аниқ-равшан тасаввур этиб олишимиз шарт.

Олдимизда турган муҳим вазифа ва мақсадлар ҳақида гапирганда, авваламбор, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни янада кучайтириш ва уларни янги, юқори босқичга кўтариш ҳаётий заруратга айланиб бораётганини барчамиз чўқур англаб олмоқдамиз.

Шу борада ҳаётимизда ахборот эркинлигини таъминлаш, давлат ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, уларни одамларнинг ўз фикр ва гоъларини, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантириш бугунги кунда энг долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг қонуний қаролатларини таъминлашга қаратилган, халқаро демократик талаб ва стандартларга тўла жавоб берадиган ҳуқуқий замин яратилган, соҳанинг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамлашиб бораётгани ва бундай ишлар изчил давом эттириляётгани, ҳеч шубҳасиз, бу йўлдаги ҳаракатларимизнинг муҳим таркибий қисмидир.

Айни пайтда бу йўналишда кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалар, амалий ҳаётимизда тўсиқ бўлиб, ўзининг ечимини кутаётган масалалар ҳали-бери кўпчилигини, ўйлаётганимиз, ҳаммамиз, авваламбор, матбуот жамоатчилиги жуда яхши англаб, сезиб турибди.

Бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очикилиги, телерадиозиттиришлар, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қаролатларига онд янги қонунларни қабул қилиш бўйича ишларни тезлаштириш кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, уларнинг ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳам ўзининг амалий ижросини кўтиб турибди.

Бу қонунларнинг қабул қилинишидан ҳаммадан ҳам кўпроқ манфаатдор бўладиган сиз, журналистлар бу жараёнда

ўз фикр-мулоҳазаларингиз, амалий тақлифларингиз билан фаол иштирок эта-сиз, деб ишонаман.

Яна бир масала тўғрисида тўхталишни жоиз деб биламан. Бу ўринда гап давлат томонидан оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ва матбаа корхоналари, матбуот таркатуви ташкилотлар фаолиятини янада ривожлантириш учун уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш ҳақида бормоқда. Авваламбор, бу тузилмаларга янги йилдан бошлаб солиқ юқини сезиларли даражада камайтириш бўйича имтиёзлар бериш режалаштирилмоқда.

Ана шундай имтиёзлар албатта оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини қорғошда эмас, амалда таъминлаш учун молиявий шароит тўғдириб бериши, ушбу соҳада меҳнат қилаётган ишчи ва ходимларнинг даромадини, моддий фаровонлигини ошириш билан бирга, бошқа бир қатор соҳа ва тармоқлар ривожига ҳам катта таъсир кўрсатиши шубҳасиздир.

Биз бу борада тараққий топган давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, ушбу масаланинг ижросини қатъий назоратта олишимизни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Олдимизда турган ана бир муҳим вазифа борки, у ҳам бўлса, матбуот соҳасида ҳали-бери учраб турадиган ўткир мавзуларни четлаб ўтиш, ўзини ўзи назорат қилиш, мансабда ўтирган кишиларга итоатқўйлик, кимгадир ёмон кўринмаслик, воқеликка бир хил ёндашув каби камчиликларни бартараф этиш билан боғлиқдир.

Соҳада кадрлар, хусусан, ёш журналистларни тайёрлаш тизимини тўздан ўзгариштириш, журналистик таълимга ихтисослашган олий ўқув юрtdарининг ўқув-методик базасини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, катта маҳорат ва ижодий тажрибага эга бўлган мутахассисларни, илгор педагогик технологияларни таълим жараёнига жалб этиш бўйича ҳам ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Шулар қаторида халқаро майдонда информация соҳасида эришилган ютуқларни пухта ўзлаштириш, журналистларимизнинг ўз хоржиий ҳамкасблари билан тажриба алмашиш тизимини янги-ча асосда йўлга қўйиш вазифаси ҳам долзарб бўлиб турибди. Барчамизга аёнки, бундай вазифаларни бажаришда замонавий медиа техника ва технологияларни, Интернет тизимини қўлланадиган тилларни пухта эгаллаш гоът муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, мустақил, янгича фикрлайдиган, истеъдодли ёшларга оммавий ахборот воситалари соҳасида кенг йўл очиб беришга қаратилган ишларни янада кучайтиришимиз зарурлигини, ўйлаётганимиз, барчамиз яхши тушунамиз.

Бугунги кунда ахборот оламида Интернет даври келган, интернет-телевидение, интернет-радио, электрон почта, он-лайн-видео каби қўллаб янги ахборот тарқатиш технологиялари қандай тез суръатлар билан ривожланиб, уларнинг аудиторияси ва таъсир доираси тобора кенгайиб бораётгани ҳақида ортқча гапиришга зарурат йўқ, деб ўйлайман.

Бундай ахборот воситаларига асосан ёшларнинг жуда катта қизиқиш билан қараши ва улардан кенг фойдаланишини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам, бу масаланинг нақадар улкан аҳа-ми

ятга эга эканини англаш қийин эмас. Ай-тиш керакки, ёшлар билан тенг бўлиб, самимий ва самарали мулоқот қилиш учун ана шундай ахборот-коммуникация технологияларини барча журналистлар, биринчи навбатда, ёш журналистларимиз ҳар томонлама чўқур ва атрофлича эгаллаши кераклигини кимгадир тушу-тириб беришга ҳеч қандай ҳолат йўқ.

Албатта, Интернет орқали дунёнинг исталган нуқтаси билан тезкор алоқа ўрнатиш, зудлик билан зарур ахборот ва маълумотларни олиш, билим ва маърифатни оширишда унинг беқиёс ўрни ва аҳамияти борлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Биз одамларимизнинг Интернет имкониятларидан янада кенгрок фойдаланишга бўлган интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Так-рор бўлса-да, айтмоқчиман — ахборот оламида қандайдир девор ўрнатиш, ўз қобилига ўрналиб, маҳдудликка юз тутуш йўли бизга асло маъқул эмас.

Шу билан бирга, бугун ён-атрофимиз-да, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеаларни инобатга оладиган бўлсак, ҳали онги, ҳаётий қарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни қалғи-тишга қаратилган ғаразли кучлар ҳам Интернет имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётгани ва бундай интилишларнинг қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Жамиятда тинчлик ва барқарорликни издан чиқаришга, ўзаро адоват ва тўқна-шувларга сабаб бўладиган бундай ҳа-тарларнинг олдини олишнинг битта йўли бор: ёшларимизни мустақил фикрлай-диган, очки қорадан, дўстни душмандан ажратишга қодир бўлган, бизнинг қандай бой тарих ва меросга эга экани-мизни англаб яшайдиган, имон-эътиқод-ли, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган инсонлар этиб во-яга етказишимиз, бу масалани ҳеч қачон иккинчи даражадаги вазифа деб билмас-лигимиз керак.

Муҳтарам дўстлар!
Журналист аҳлининг меҳнати, одам-ларга, жамоатчиликка таъсири ҳақида шахсан мен доим юксак фикрдаман. Мат-буот минбаридан айтилган сўз қандай қудратли акс садо бериши мумкинлиги-ни, унинг таъсири ва самарасини оши-риш аввало сизларнинг маҳоратингиз, ихтиомий позициянгиз, инсоний ва ижо-дий фаилатларингизга, ҳамиша масъ-улият туйғуси билан иш олиб боришин-гизга боғлиқ эканини миллионлаб муш-тарийлар яхши билади ва сиздан айнан шуни кутди.

Ўз касбининг ҳақиқий устаси ва фи-дойиси бўлган, ўзининг ҳаққоний сўзи билан одамларни эзгу мақсадларга са-фарбар эта оладиган, эл-юрт манфаа-ти, халқимизнинг бугунги ва эртанги кунини учун ёниб яшайдиган сиз, жонқуяр журналистларни мен ўзимнинг суянчим ва таянчим деб билишимни бугун яна бир бор айтмоқчиман.

Сизларни касб байрамингиз билан чин қалбимдан табриклар эканман, барчан-гизга сўхат-саломатлик, куч-гайрат, янги-янги ижодий ютуқлар, хондонла-рингизга файзу барака тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Юртимиз

дунё нигоҳида

Ўзбекистон — яқин қўшни, яхши дўст ва ишончли ҳамкор

— Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги тобора яқинлашмоқда. Барча ўзбекистонликларнинг қўтлуғ байрами ара-фасида юртимиз ҳақида қандай фикрлар айта оласиз? Байрам олдидан халқимизга қандай тилаклар билдирасиз?



Чжан СЯО,
Хитой Халқ Республикасининг
Ўзбекистон Республикасидаги
Фавқулodда ва Мухтор Элчиси

— ФУРСАТДАН фойдаланиб, "Инсон ва қонун" газетаси ходимлари ҳамда Ўзбекистонда фаолият юритаётган барча матбуот ва оммавий ахборот воситалари вакиллари касб байрамингиз билан са-мимий табриклайман.

Бу йил Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги-нинг 20 йиллиги нишонланмоқда. Президент Ислам Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон ўзига хос бўлган тўғри ва ёруғ йўлни танлади. Ўзбекистон ўз муста-қиллиги, суверенитети ва хавфсизлигини таъмин-лаб, турли қийинчилик ва тўсиқларни муносиб енгиб ўтди. Ана шу тўғрйли барча соҳаларда кенг қамров-ли ислохотлар амалга оширилди, муттасил ижтимо-ий-иқтисодий ўсиш сақланди, давлат бошқаруви бўйича мақбул тажриба туپланди.

Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсати ха-лқаро ҳамжамиятнинг юқори баҳосини олди ва мин-тақада тинчлик, барқарорликни таъминлашга ҳамда ривожланишга муҳим ҳисса қўшди. Ўзбекистоннинг халқаро мавқеи ва нуфузи сезиларли даражада юк-салди.


Мустақил мамлакатингиз Ўзбекистоннинг йиги-ра йиллик эришган муваффақиятларида Президен-тингиз Ислам Каримовнинг сиёсий донолиги ва кўп миллатли ўзбек халқининг бирдамлиги, ҳамжихат-лиги, меҳнатсеварлиги ва қатъиятлилиги намоён бўлди. Бу Ўзбекистоннинг кечис гурури ва ифтихо-ридир. Хитой Ўзбекистоннинг аънанавий дўсти си-фатида унинг юксак ютуқларидан беҳад хурсанд ва Ўзбекистон билан ҳар доим яқин қўшни, яхши дўст ва ишончли ҳамкор бўлишга тайёр.

Бир неча ойдан сўнг Ўзбекистон ўз мустақиллиги-нинг 20 йиллигини катта тантан ва шодийна билан қўтиб олади. Бу халқингизнинг орузи бўлган буюк ва муқаддас байрамдир. Шу муносабат билан мен ўзбек халқини чин юракдан, самимий қўтлайман. Меҳ-наткаш, доно, меҳмондўст ва барикенг ўзбек халқи-га Президент Ислам Каримов раҳбарлигида мутта-сил равишда ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ва барча ишларда улкан ютуқларга эришишини ти-лайман. Ўзбекистонга равақ ва юксалиш, ўзбек хал-қига эса — бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

"Инсон ва қонун" газетаси мухбири
Дилором МАТКАРИМОВА эъиб олди.

ШУ сонга
хабар!

Республика суд
экспертиза маркази
фаолиятига
бир назар



Бугун!

Адлия вазирлигида Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази фаолияти юзасидан журналистлар учун матбуот анжума-ни ўтказилади. Унда республикамизда фаоли-ят юритаётган ОАВ ходимлари ва соҳа мута-хассислари иштирок этишади.

Эртага!

Адлия вазирлигида Республика суд экспе-ртиза маркази, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлигида "Қонунийлини таъ-минлашда суд экспертизанинг ўрни" мавзуда республика идораларо ил-мий-амалий конференция бўлиб ўтади.

Кеча республикамизда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин кенг нишонланди

Фаоллик ва изланиш омили

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Ислам Каримов томонидан тақдим этил-ган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чу-қурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида оммавий ахборот соҳасини давр руҳига ҳам-роҳан тарзда ислоҳ этиш, журналистларнинг эркин ва самар-али фаолият юритиши учун барча зарур ҳуқуқий-ташки-лий, моддий ва маънавий имкониятларни яратиш масаласи-га алоҳида эътибор қаратилган.

БУ СОҲА ходимларидан масъулиятни, ижтимоий-маънавий бурчини астой-дил ҳис этишини, Ватани-

миз, халқимиз манфаатла-рининг том маънодаги ҳимоячилари бўлишни, ян-гиланиш жараёнларининг

мазмун-муҳиятини халқ-имиз, кенг жамоатчиликка ҳолисона, тезкор ва ишонч-ли тарзда етказишни та-лаб этади.

Юртимизда кенг ни-шонланаётган 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахбо-рот воситалари ходимла-ри кунин муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар-да шулар хусусида сўз юритилмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган тантанали йиғилиш-да ҳам бу ўз ифодасини то-пди. Унга вазирлик ва идоралар, жамоат ташки-лотларининг вакиллари, оммавий ахборот восита-ларининг ходимлари, но-ширлар, матбаачилар, фахрий журналистлар, олий ўқув юрtdари журна-листика факультетлари-



Суратда: тадбирдан лавҳа

нинг профессор-ўқитувчи-лари тақлиф этилди.

Ўзбекистон Республи-каси Президенти Ислам Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот восита-

лари ходимларига табриги-ни Президент-нинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.



Қонунийлик ва суд экспертизаси

Республика суд экспертиза маркази фаолият тига бир назар

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ ҳолисона тергов қилиш, одил судловни таъминлаш учун фан ва техника ютуқларига асосланган суд-экспертиза имкониятларидан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза маркази мутахассисларнинг 60 йил мобайнида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва судларга бераётган ёрдами беқиёсдир.

Дастлаб, 1951 йили ташкил қилинган даврда, фақат айрим турдаги аънавий экспертизаларни ўтказадиган криминалистика лабораторияси бугунги кунда нафақат Ўзбекистонда, балки чет эл мутахассислари орасида танилган нуфузли илмий-амалий муассасага айланди.

Марказ суд экспертизаларини юқори илмий савияда ўтказиш, аниқ ва ишончли эксперт хулосаларини бериш учун замонавий техник база ва илгор услубларга эга. Унинг юқаски илмий салоҳияти 54 та экспертлик мутахассислиги бўйича турли тадқиқотлар олиб боришга имкон беради. Улар орасида аънавий криминалистик, кимёвий, физикавий, муҳандислик, биологик, иқтисодий ва бошқа экспертизалар билан бир қаторда энг замонавий ҳамда истиқболли одам ДНКси (ген дактилоскопияси), фонографик (овоз ва нутқ), материалишунослик каби экспертиза турлари ўтказилмоқда. Эксперт хулосалари энг оғир ва мураккаб жиноятларни фоти эйтиш ва иш бўйича қонуний қарорлар қабул қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва судларга муҳим ёрдам бериб келмоқда.

Бу йил ўзининг 60 йиллигини нишонлаётган Республика суд-экспертиза маркази республика вилоятларида ҳам муносиб ўрин эгаллаган. Республика суд-экспертиза марказининг Самарқанд, Фарғона, Андижон, Қарши, Нуркус, Гулистон, Урганч, Термиз шаҳарларидаги бўлинмалари ходимлари одил судловни таъминлашга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Адлия вазирлиги
Ҳуқуқий тарғибот
ва ҳуқуқий таълим
бошқармаси

Кеча республикаимизда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни кенг нишонланди

Адлия вазирлигида "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш — асосий вазифамиз" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Адлия вазирлигининг бошқармалари масъул ходимлари ва журналистлар иштирок этди.

Маълумки, Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан бири жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдан иборатдир. Ушбу йўналишдаги ишларни олиб боришда ОАВнинг ўрни беқиёс.

ОАВ ходимларининг ёрдами билан адлия тизими фаолиятини, хусусан, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, тadbirkorлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, шартномавий муносабатларни тартибга солиш йўналишлари бўйича ёритилаётган материалларнинг сифат ва мазмундорлиги яхшиланимда.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, ўтган 2010 йилда вазирлик томонидан 48500 га яқин ҳуқуқий тарғибот тadbirkorлари ўтказилган бўлиб, улардан 2372 таси телевидениеда, 2566 таси

Адлия ва ОАВ: ҳамкорлик самараси



радиоада, 4246 таси эса газета ва журналларда ёритилган.

Матбуот анжуманида ўтган давр мобайнида Адлия вазирлиги ва унинг тизимидаги кирувчи муассасаларнинг масъул ходимлари томонидан тайёрланаётган

материалларнинг сифати ва мазмундорлигини янада ошириш лозимлиги таъкидланиб, жойлардаги ФХД ва нотариал идоралари раҳбарларининг чиқишлари тақомиллаштириш масалалари ҳам эътибор қаратилди.



Қолаверса, сўнгги уч йил давомида вазирлик томонидан ўтказилаётган "Адлия идоралари ОАВ нигоҳида" республика кўрик-танлови адлия идоралари ва журналистлар ҳамкорлигини ривожлантириш ҳамда материал-

ларнинг сифат ва мазмундорлигини оширишда ёрдам бермоқда.

Анжуманда мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан яратилган DVD диск тақдими ҳам бўлиб ўтди. Унда

Адлия вазирлиги томонидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган лойиҳалар бўйича тайёрланган 4 та фильм ўрин олган. Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, ушбу кўргазмани DVD дисклар мамлакатимиздаги барча ўрта мактаблар ҳамда коллеж ва лицейларга ҳам тарқатилиб, тақдиротлар ташкил этилади.

Шунингдек, матбуот анжуманида адлия органлари томонидан ўтказилиши режалаштирилган олтинчи "Энг яхши ҳуқуқий тарғиботчи" танлови ҳақида ҳам йиғилганларга ахборот берилди.

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан ҳуқуқий тарғиботдаги фаол иштироки учун 50 нафарга яқин ОАВ ходимлари ҳамда адлия идораларининг матбуот учун масъул ходимлари вазирлигининг фахрий ёрликлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Дилфуза ЭРГАШЕВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Талкин

Муносабатлар майдони

ГЛОБАЛЛАШУВ жараёни дунё бўйича шиддатли тус олмақда. Техник тараққиёт тобора юксалимда. Жаҳонда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий воқеалар силсиласи дақиқа сайин янгиланиб бормоқда. Башарият экологик муаммолар гирдобиде наҳот изламоқда. Бугунги кун журналисти мана шу каби ҳаёт оқиқалари билан баравар қадам ташлаши, унинг нафаси билан яшамоғи, талабларига ҳозиржавоб ва ҳамоҳанг ижод қилмоғи шарт. Зеро, халқ журналистининг хабари орқали она заминда бўлаётган ҳодисалардан хабардор бўлади, эл-улуснинг ютуқларидан қувонади, ғам-ташвишларига шерик бўлади. Буюк Рим файласуфи Сукронинг "сўз — бу сеҳр, куч ва қудрат" ибораси айнан журналистика соҳаси вақилларига қарата айтилган ҳикматдек жаранглайди. Олиб бораётган фаолиятининг масъулиятини чуқур ҳис эта олган хас-касбларимиздан бири эса ўз касбига баҳо бериб, шундай деган эди: "Агар тиббиёт ҳодими хато қилса бир инсоннинг умрига завоқ бўлади, ўқитувчи саводсиз бўлса, ўттиз-қирқ боланинг қамолига зарар етказиб, лекин журналистининг биргина хатоси бутун жамият, минг-минглаб одамларга салбий таъсир қилади".

Истиқболга эришгандан буён давлатимиз раҳбарининг ҳар йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни байрами муносабати билан журналистларга табрик йўллаши аънамага айланган. "...Журналист меҳнатининг қадрини бу борада қобилят ва ижодий маҳоратнинг қанчалик зарурлигини яхши билидиган, ҳар бир макрола, ҳар бир эштитириш ёки кўрсатув учун кўш нури, юрак кўрини бағишлаб яшайдиган инсонлар соҳадига ютуқ ва қамқилиқларга ҳолисона ва танқидий баҳо бермас, бошқа ким ҳам баҳо бериши мумкин? Шунинг учун ҳам журналистларимизнинг ўз фаолиятини юқас талаб ва мезонлар нуктаи назаридан баҳолаб, миллий матбуотимизни дунёдаги ривожланган оммавий ахборот воситалари даражасига кўтариш масаласи энг долзарб вазифа бўлиб келмоқда..." Юртбошимизнинг бу таъриф ва тилаклари юртимиз журналистлари учун қўш қанот бўлмоқда, десак, асло муволаға бўлмайдими. Ватанимиз тараққиёти, ёшларимиз қамолотида, ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуриш йўлида эришяётган ҳар бир ютуқларимизда ва тинчлик-оқойишталигимиз барқарорлигида оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўзига ҳос ҳиссаси бор. Журналистларимиз заҳматқаш деҳқон билан ёнма-ён далада ва баракали ҳирмонларда тер тўкмоқда, тadbirkorларга мадад бўлмоқда, кенг аҳоли ўртасида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ишхотлар ва мавжуд қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилмоқда, жаҳон майдонида рўй бераётган ҳодисаларни ҳолисона ва ошқора халқимизга етказиб бермоқда.

Бу вазифаларининг барчасини журналист ўзининг оддий қундалик иши деб билиди.

Журналист учун воқеликни тез илғши бугун зарурятга айланган. Тезкорлик ва маърифийлик ўзбек журналистикасининг икки қаноти!

Мамлакатимизда матбуот эркинлигини таъминлаш, унинг янгиланиш ва ишхотлар жараёнидаги аҳамияти, ўрни ва таъсирчанлигини ошириш, юртимизда ва дунёда рўй бераётган воқеаларга ўзининг ҳаққоний ва ҳолисона муносабатларини, шунингдек, эътироф ва эътирозларини билдириш, доимо янгиланган интилиб яшашлари учун барча шарт-шароитлар, имкониятлар мавжуд, деб айтила оламиз. Зеро, Президентимиз ташаббуси билан миллий матбуотимизни ривожлантириш, унинг эркин ва ҳолисона фаолият юритиши учун қатъий эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда Халқаро матбуот эркинлиги кўни, Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан соҳа фидойиларининг меҳнатлари турли кўринишда тақдирланиши мана шу эътибор ва ғамхўрликларнинг юқас намунасикидир.

Фарида ҚОРАКУЛОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Фаоллик ва изланиш омили

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов ва бошқалар мамлакатимизда демократик ишхотларини янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида оммавий ахборот воситаларини босқичма-босқич раванқ топтириш, миллий матбуотимизнинг таъсирчанлигини ошириш, бунинг учун барча шарт-шароитларни яратиш масаласи Юртбошимизнинг доимий эътиборида эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўнга яқин қонун ҳужжатлари фуқароларнинг сўз эркинлигига доир ҳуқуқларини рўйга чиқариш, ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот бораидаги ҳаф-сизлигини таъминлашда муҳим қарор қабул қилиб қилмоқда. Бир қатор қонун ҳужжатларининг бугун-

ги давр руҳига ҳамоҳанг тарзда тақомиллашиб бораётгани оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, соҳадига демократик ишхотларни тобора чуқурлаштиришда муҳим омили бўлмоқда.

Оммавий ахборот воситаларини модернизация қилишни ривожлантириш самарасида Ўзбекистонда сўнги йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 мамлакатига 28 йўналиш бўйича тўғридан-тўғри узатиладиган халқаро каналларга эга.

Соҳа ривожини йўлда кўрсатилган ғамхўрлик натижасида келинган йилнинг ўзига босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар ошди. Мавжуд телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканаллар, веб-сайтларнинг эса 86 фоизи нодавлат оммавий ахборот

воситаларидир. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг етти тилида фаолият олиб бормоқда.

Мамлакатимизда демократик ишхотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида миллий оммавий ахборот воситалари учун янада кенг имкониятлар очилди, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан устувор йўналишлар белгиланган. Жумладан, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, унинг ҳокимият ва жамоатчилик ўртасидаги алоқаларини тобора қулайтириш, миллий ахборот маконини изчил ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтини сифатидаги аҳамиятини қулайтиришда муҳим ўрин тутди.

Тadbirkorлар ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан аънавий тарзда ўтказилган "Йилнинг энг фаол журналисти" республика кўрик-танлови голиблари ва совриндорларига муқофотлар топирилди.

Йилгилида сўзга чиққанлар миллий оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш, сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, жаҳон андазалари талаблари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шароитларни яратиш, ижодкорлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бораидаги доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилган учун Президентимиз Ислам Каримовга миннатдорлик билдирдилар.

Тadbirkorлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов иштирок этди.

Назokat УСМОНОВА,
Ўза мухбири

Жамият кўзгуси

ЎЗБЕКИСТОН Матбуот ва ахборот агентлигида "Мустақиллик йилларида Ўзбекистон миллий оммавий ахборот воситаларининг шаклланиши ва ривожланиши динамикаси" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2010 йил 12 ноябр кўни Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ишхотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номи маърузаси, хусусан, "Ахборот соҳасини ишхот қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш" бўйича белгиланган стратегик вазифаларни оммавий ахборот воситалари учун яна бир муҳим даврни бошлаб берди.

Зеро, давлатимиз раҳбари ўз нутқида: "Демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини одамлар

қил этади. Эътиборлиси шундаки, бугун телеканал, радиоканаллардан ташқари веб-сайтлар ҳам ОАВ сифатида рўйхатдан ўтказилмоқда. Бир сўз билан айтганда, соҳада энг тез ривожланаётган тармоқлар ҳам айнан электрон ОАВга тўғри келади. Ҳозирда мавжуд электрон ОАВ (ТВ, радиоканал, веб-сайт)нинг 86 фоизи нодавлат ОАВ ҳисобланади. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари бу заминда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида ҳамда сиёсий-иқтисодий, иқтисодий, маънавий-маърифий, спорт каби 20 дан ортқ иқтисодиёт бўйича фаолият олиб боради.

Бундай салмоқли ўзгаришлар шубҳасиз, соҳада амалга оширилаётган ишхотлар натижасидир.

Мустақиллик йилларида оммавий ахборот соҳасини тартибга солуви ва истиқболини белгилаб берувчи бир қанча зарур қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, юртимизда кенг тарғиб этиб келинмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган ишхотлар, ўз бераётган жараёнлар шунчалик тез ва

кенг қамров ташкил этмоқдаки, мавжуд қонунлар яна кўп йилларга ҳизмат қилиши учун айримларини қайта ишлаш, баъзиларига эса ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, керак бўлса янгиларини қабул қилиш заруратга айланди.

Айнан шу мақсаддан келиб чиқиб, Концепцияда ахборот соҳасига дахлдор бир нечта янги қонунлар қабул қилиш, айрим амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Концепцияда белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, Матбуот ва ахборот агентлиги биринчи навбатдаги вазифаларни амалга оширишга киришган. Жумладан, "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қарорлари тўғрисида"ги янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва қарорлари тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

XXI аср журналистикаси: ОАВнинг қайси тури етакчи бўлади?

телефон воситаси, хусусан, кўлаб имкониятларини ўзига муҳассаллаштирган iPhone орқали, масалан, қаҳвахонада ўтириб, шу ернинг ўзидек Интернетга видео, фото ёки матли ахборот жойлаштириши мумкин. Ёки умуман, ҳодиса жойига чиқмаган ҳолда, ўз уйида Интернет орқали журналистик махсулотни яратиши мумкин.

Бунинг учун журналист қўлида рақамли видеокамера, фотоаппарат, диктофон бўлиб, ишлаш жараёни учун Интернетга кириш имкони бўлса, бас.

Инсоният ҳаётига Интернет деб номланмиш глобал ахборот тармоғининг кириб келиши журналистика фаолиятда жуда катта ўзгаришларга сабаб бўлди.

— Хўш, Интернет пайдо бўлиши билан бирга вужудга келган он-лайн журналистика бугунги кунда қандай мақом ва мавқеда фаолият юритапти?

Олимлар орасида Интернет ОАВнинг янги турими ёки уларнинг мазмунини тарқатишга қўмқлашувчи коммуникация воситасини, деган

саволлар устидаги баҳслар қузаптилади. Айрим олимларнинг айтишича, оммавий ахборот воситалари (матбуот, радио, телевидение) тарихан босиб ўтадиган йўлини босиб ўтиб бўлишган ва ҳозирда янги ОАВ ёки янги жанрлар туғилишини таъкидлашга асос йўқ. Биринчи қарашда тўғри, Интернет ҳам, асосан, мавжуд жанрлар (интервью, репортаж, шарҳ, макрола ва бошқалар) асосида маълумот тақдим этади. Шу пайтгача улар матбуот, радио, телевидение жанрларига айланиб бўлган ва мазмунан боийтилган. Аммо Интернет журналистика отақон журналистикадан мерос қолган мавжуд жанрларнинг мазмун-моҳиятидан мохирона фойдаланиб, назаримизда, журналистикани яхлит оламга янги сифатлари билан тўрттинчи ОАВ тури бўлиб кириб келди.

XXI асрда мустақил, янги журналистика тури пайдо бўлгани ва кириб келгани ҳамда келгусида бошқа ОАВдан фаркли равишда

Назар

айнан шу журналистика тури инсонлар учун энг қулай, мақбул ва фойдало оммавий коммуникация воситасига айланиши жиҳатларини таҳлил қилиб кўрсак.

Агар газета бир туну кун давомида кўпи билан икки марта чоп этилиши мумкин бўлса, Интернет-нашр ў ёки бу воқеа тўғрисидаги ахборотни янгиллаш бораида чеклан-

маган имкониятлар ва матн учун кенг майдонга эга. Оддий қилиб айтганда, унда даврийлик тушунчаси йўқ. Аънавий ОАВдан Интернет журналистика ўзига мультимедиа имкониятларини — матн, графика, фото, аудио- ва видеомаълумотларнинг жамлангани ва бир зумда узатиш имконияти билан фарқ қилади.

Бундан ташқари, телевидение ва радио узатадиган информациядан дастурининг фақатгина маълум вақт ва соатда берилиши ҳам уларнинг тезкор оммавий ахборот воситаси сифатидаги имкониятини чеклайди. Натижада йиллар давомида одамларда бунга қўникиш шаклланиб, Ваҳоланки, маълумотни воқеа содир бўлаётган жараёнининг ўзига узатиш мумкинлиги Интернетнинг тезкорлик бораида етакчи эканига ва олтинга қийсанладиган вақтининг тежаслиги унинг фойдасига яққол далил эмасми? Глобал тармоқнинг жонли репортажлар вақтидаги репорт устунликлари ҳақида

тўхталиб ўтиришга ҳолат йўқ, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, веб-журналистиканинг фаркли хусусиятларини ҳам келтириб ўтиш мумкин. Булар:

— **шахсий ёндашув** — бу конкрет (маълум бир) фойдаланувчининг эҳтиёж ва талабларини инобатга олиш имкони, яъни фойдаланувчи ўзи истаган мавзу бўйича ахборот топиш ва тарқатиш имконига эга;

— **"feed-back" имконияти** — бошқа ОАВга нисбатан унда "икки томонлама алоқа", ҳозир русум бўлган ибора билан айтганда, "feed-back" имкониятлари мавжуд. Ҳар бир фойдаланувчи Интернетда чоп этилган материалга ўз муносабатини шу заҳотиёқ билдириши, фикр қолдириши, қўшимча қилиши ёки ахборотни таҳрир қилиши мумкин;

— **инфоцентриқ хусусияти** — экранда HTML дастури асосида яратилган бош мақола гиперўйланмалар орқали исталган даражада кенг, батафсил, қўшимча маълумотлар билан бойитган ҳолда баён этиш имконияти.

Интернетнинг юқорида келтирилган имкониятлари журналистининг ижодий жараёнига ҳам маълум янгилик ва ўзгаришларни олиб киради. Жумладан, тармоқнинг мультимедиа хусусияти, тезкорлик ва интерактивлик тамойиллари ижодни оддий босма ОАВ учун мақола тайёрлашдан фаркли бўлган жараёнга айлантиради.

Ахборот технологиялари шиддат билан ривожланар экан, инсонлар осонлик, қулайликка тез қўникади ва мослашади. Илгари қилмид эрталабки нуношасини қаҳва билан газетасиз тасаввур эта олмаган бўлса, ҳозирги ёшлар балки вақти келиб, нуношасини қаҳва ва доимий хамроҳига айланган ноутбукдаги Интернет газетасиз тасаввур эта олмас...

Муҳими, ҳар қандай шакл ва йўналишда ҳам журналистика ўзининг асосий вазифасини ўтасин, яъни инсоний журналистика бўлиб, жамият манфатларига хизмат қилсин.

Ш. ҚУДРАТХҲАЕВ,
Ўзбекистон Миллий университетининг
кафедра мудири



iPhone телефони

Омма ва тарғибот

Ўзига хос ёндашув

соҳада янги чора-тадбирлар ишлаб чиқишни талаб этади

Жорий йилнинг 30 июнида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга бағишланган **“Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш — инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашда, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш соҳасида муҳим вазифа”** мавзuida халқаро давра суҳбати ўтказиш режалаштирилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Республика миллий маркази, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, “Маҳалла” хайрия жамғармаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг лойиҳалар бўйича координатори, Конрад Аденауэр номидаги Фонд ҳамда қатор нуфузли институтлар ҳамкорлигида ташкил этилаётган халқаро анжуман пойтахтдаги “Radisson SAS” меҳмонхонасида ўтказилади.

ДЕМОКРАТИК тараққиёт йўлини танлаган ҳар қайси давлат учун, аввало, фуқаролар ҳуқуқий оғни ва тафаккурида, одамлар қалбида фақатгина Конституция ва қонунларга амал қилган ҳолда яшаш мумкин, дегон дунёқарошни шакллантиришдек вазифа туради.

ДАРҲАҚИҚАТ, инсон ҳуқуқлари — ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим шарти ва тараққиёт даражасини белгилловчи бош мезондир. Шу маънода мамлакатимизда ҳам мустақил демократик тараққиётнинг дастлабки йилларида-ноқ инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмининг вужудга келтириш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойил ва нормалари асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш, мавжуд қонун-қоидаларга оғишмай амал қилиш механизмининг ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш, одил судлов ислохотини амалга ошириш йўли билан бутун суд тизимини демократлаштириш, аҳоли, айникса, ёшлар ва мансабдор шахслар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий оғни ва маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айникса, дастлабки тергов босқичида суд назоратининг қўйиштирилиши, мазкур соҳада суд фаолиятининг либераллаштирилиши, прокурор ва адвокатнинг тенглигига эришиш, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишувнинг юзага келиши, “Хабас корпус” институтининг жорий этилиши ушбу йўналишни янги босқичга олиб чиқди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида инсон ҳуқуқларига оид БМТнинг 6 та асосий шартномаси, 70 дан ортқ универсал ва минтақавий халқаро шартномадан ёки дунёнинг 60 га яқин давлатига тан олган **“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”**ги халқаро пактининг иккинчи факультатив протоколи (1989 йил 15 декабр) иштирокчиси эканлигини ўзиёқ жамиятимиз юксак ҳуқуқий тараққиётга эришишни мақсад қилиб қўйганимиздан далолат беради. Нуфузли халқаро экспортларнинг таъкидлашича, бир-

гина ярашув институтининг жорий этилиши натижасида ўтган давр мобайнида 100 минг нафарга яқин фуқаро жиноий жавобгарликдан озод этилди. Бу эса Ўзбекистонда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг ёрқин амалии ифодасидир.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимизда миллий, тарихий тараққиёт ва жаҳон таърибасини ҳисобга олган ҳолда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ўзига хос концепцияси яратилди ва амалга татбиқ этилди. Бошқача айтганда, бугунги глобаллашув жараёнида демократик ислохотларни чуқурлаштириш зарурати фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмининг такомиллаштирилиши, энг муҳими, жамиятимиз ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётида инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш маданиятини қарор топтириш юзасидан янги ҳужжатлар қабул қилишни тақозо этмоқда. **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”**да белгиланган илгор демократик, таъбир жоиз бўлса, мустақил демократик тараққиётимиз йўлида янги саҳифа очадиган ғоя ва ташаббуслар ҳам айнан шундай олий мақсадларни кўзлаган.

Гап инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳуқуқий таълим ва тарғиботини янада ривожлантириш ва соҳада кенг кўламли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳақида бораркан, аввало, шунга айтиш керакки, бу борада ҳам мамлакатимизда сўнгги йилларда дунё таърибасида камдан-кам учрайдиган ўзига хос таълим ислохотлари амалга оширилганини алоҳида эътироф этиш зарур. Айникса, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 январдаги **“Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”**ги Фармойиши ҳамда 2008 йил 1 майдаги **“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағиш-**

ланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони жамиятда ҳуқуқий таълим ва тарғиботни ривожлантиришни янги босқичини бошлаб берди. Шунингдек, узоқ муддатга мўлжалланган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурида белгиланган принципиал вазифаларнинг ижтимоий ҳаётимизда босқичма-босқич ўзининг амалии ифодасини топаётгани соҳада ўзига хос бурилиш ясади.

Бундан ташқари, инсон ҳуқуқларига оид таълим бўйича Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастури (1993 йил) ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ўн йиллиги (1995-2004 йиллар) доирасида мамлакатимиз мактаблари ва олий ўқув юрларининг ўқув-тарбия дастурларига “Инсон ҳуқуқлари” ёки “Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ” сингари махсус курсларнинг киритилгани ҳам ҳар бир фуқаро оғнида инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Айни пайтда мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни тубдан яхшилашга йўналтирилган, унинг сифат ва самарадорлигини янада оширишга қаратилган миллий ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш зарурати тугилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **“...Бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғулигини янада орттиришни таъминлайди”**. Шундан кўринадики, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ўз-ўзидан демократик тараққиётнинг муҳим мезони саналади.

Алижон ОЧИЛОВ,
Адлия вазирлиги
бошқарма бошлиғи

Юристарлар малакасини ошириш марказида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристарлар малакасини ошириш марказида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Адлия вазирлиги ҳамкорлигида “Ўзбекистон Республикасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш масалалари” мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

мизда қонун ижодкорлиги жараёнининг ривожланишига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини оширишга ҳамда улар амалда бир хил қўлланилишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

ларнинг асосланганига ва сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошгани бу соҳада қонунчиликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратишни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар эҳтиёжларига мос бўлишини тақозо этмоқда.

Семинарда сўзга чиққанлар давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутаётган **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”**ги Қонунни янги таҳрирда ишлаб чиқиш мамлакатимизда қонунчиликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратишга, қабул қилинаётган қонун лойиҳаларининг сифатини тубдан яхшилашга, қонунларда тафовутларга, тақрорийликка йўл қўймасликка, бошқа ҳужжатларга ҳавола қилиш ҳолатларини камайтиришга, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалда самарали татбиқ этишга ҳамда унинг мавжуд қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар эҳтиёжларига мос бўлишини таъминлашга хизмат қилишни таъкидлашди. Семинар иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”**ги Қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳасини бўйича тақлифлар ва тавсиялар билдиришди.

Адлия вазирлигининг
Ҳуқуқий тарғибот
ва ҳуқуқий таълим
бошқармаси

Миллий тажриба

янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқишни тақозо этмоқда

УНДА Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институти, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда Марказда малака ошираётган қорхона, ташкилот ва муассасаларнинг юридик хизмати ходимлари иштирок этдилар.

Таъкидландики, мамлакатимизда Конституция ва қонунларнинг устулғили сўзсиз тан олинади, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар мувофиқ иш қўрадилар. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин

эмас. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқий нормалар, яъни юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган умуммажбурий характердаги қўрсатмаларни ўз ичига олган расмий ҳужжат ҳисобланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинадиган идоралар ва мансабдор шахсларга қатъи масъулият юклайди. Шу боис давлат ва жамият ишларини бошқариш учун хизмат қиладиган, юридик қучга эга бўлган ва ижро этилиши мажбурий ҳисобланувчи қонунчилик базасини яратишга жиддий эътибор бериб келинмоқда, қонун ижодкорлигини ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилмоқда.

2000 йил 14 декабрда қабул қилинган **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”**ги Қонун мамлакатимизда

ўтган давр мобайнида мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш борасида миллий тажриба тўпланиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимлаштирилди, уларни рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш, ягона реестрини юритиш борасида ўзига хос тажриба мактаби яратилди.

Шу билан бир қаторда, давлатимиз раҳбари томонидан **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”**да таъкидланганидек, “Бундан ўн йил олдин қабул қилинган амалдаги **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”**ги Қонунни янги таҳрирда қабул қилишни бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Яъни, ўтган даврда қонун ижодкорлиги жараёни кенгайгани ва мураккаблашгани, норматив-ҳуқуқий ҳужжат-

Турмуш ва сабоқ

Мулкий муносабат

Никоҳ шартномасининг афзалликлари

НИКОҳ шартномаси эр-хотиннинг мулкий муносабатларини тартибга солувчи қонуний ҳужжатдир. Халқимиз орасида хануз бу муҳим ҳужжат борасида нотўғри фикр юритадиган баъзи фуқаролар ҳам бор. Қонуний никоҳдан ўтаётган айрим келин-куёв ва қўда-ондлар ёш оила яши тилкалар билан қурилайди, лекин, шартномаси оила мустақамлигига ишонсизлик тўғрисида деб, никоҳ шартномаси тузишга қарши бўладилар. Лекин бу қараш нотўғри.

АЛБАТТА, никоҳ шартномасини тузиш мутлақо ихтиёрий бўлиб, эр-хотиннинг ўзаро розилиги асосида тузилади.

Оила кодексининг 30-моддасига мувофиқ, никоҳ шартномаси никоҳ рўйхатга олинган кундан бошлаб қуча қиради. Никоҳнинг расмий қайд этилиши унда иштирок этаётган йигит ва қизнинг шахсий ҳақида мулкий ҳуқуқларини юзага келтирилади.

Бундан шартномани тузиш учун эр ва хотин муомала лаёқатига эга бўлишлари, албатта, шарт.

Оила қурганда, никоҳ шартномаси тузиш мақсадга мувофиқ, чунки бу ёшларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини аниқлаб турмуш кечиршини таъминлайди. Турмушда улар дуч келиши мумкин бўлган ноҳуш вазиятларни қонуний йўл билан ҳал этишда ёрдам беради.

Шу ўринда айтиш жоизки, тахлилларга кўра, фуқаролик судларида қўрилаётган ишларнинг ақсариятини эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликлар, никоҳни бекор қилиш билан боғлиқ мулкий низолар ташкил қилади.

Никоҳ шартномаси халқимизнинг миллий қадриятларига ўйин, оилани муқаддас билишга ўндоғчи маънавий восита, шунингдек, оиланинг жамиятдаги ўрнини шакллантиришга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатдир.

Бошлар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечирishi ва қамолоти ҳақида

ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тушунчалари, шунингдек, аёлнинг ёш болалари билан ҳеч бир манбасиз, бошланасиз қолмаслиги мазкур муносабатнинг асосини ташкил этади.

Оила кодексининг 31-моддасида никоҳ шартномаси эр-хотиннинг муомала лаёқатини, уларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши учун судга мурожаат этиш ҳуқуқларини чеклашни, эр-хотин ўртасидаги шахсий номулкий муносабатларни, эр-хотиннинг болаларга нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солишни, меҳнатга лаёқатсиз таъминот олишга муҳтож эр ёки хотиннинг ҳуқуқини чеклови қоидаларни, эр ва хотиндан бирини ўта ноқулай ҳолатга солиб қўювчи ёхуд оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормаларига зид келувчи бошқа шартларни назарда тутмайдиган.

Оила риштасини мустақамловчи никоҳ шартномасига оиланинг умумий мулкини асраб-авайловчи, ўзаро аҳилликни ва ҳамжихатликни таъминловчи ҳужжат сифатида қараш ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий оғи ва тафаккурини белгилайди.

Тилов АБДУЛЛАЕВ,
Галлаорол тумани 2-сонли
давлат нотариал
идораси нотариуси

ИНСОН ҳуқуқлари жамият, давлат ва инсон ўртасидаги муносабат мувозанатини таъминлайдиган норматив қондалор бўлиб, улар ўз мазмуни ва моҳиятига кўра, жамият ҳаётини маромлаштирувчи заоруятдир.

ИНСОН ҳуқуқлари шундай бир қадриятки, унга барча халқлар ва давлатлар нурга, зиёга интилангандек интилади. Инсон ҳуқуқлари шундай ўлчов ва андозаки, у давлатга, унинг мавжуд ҳуқуқ тизимига, қонунчилигига, ҳуқуқий тартиботига берилган баҳо, уларнинг ривожланиш ва демократиявийлик даражасини, сифат қўрсаткичи сифатида эътироф этилмоқда.

Яшаш, эркинлик, қадриятматта бўлган ҳуқуқ, шахс ва шахсий ҳаёт дахлсизлиги, фикр, эътиқод эркинлиги, сиёсий жараёнларда иштирок этиш ҳуқуқлари ҳар қандай маърифатли жамиятда инсон ҳаётини ташкил этишининг зарурий шарт-шароитлари ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари бугунги кун даражасига етгунича мураккаб шаклланиш ва ривожланиш босқичини бошдан кечирган.

Маълумки, жамиятда турли инсонлар ўзларининг турли манфаатлари ва эҳтиёжларини билан ўзаро мулоқотга киришадилар,

баъзан эса қарама-қарши манфаатлар билан ўзаро муносабатда бўладилар. Мазкур жараён натижасида аста-секин инсонлар ўртасидаги муносабатда умумий андозалар, барқарор қоидалар шакллана боради ва уларда турли индивидларнинг турли манфаатлари мувозанатлашган ҳолда ўз ифодасини топади. Шу тариқа инсон ҳуқуқлари умумэтироф этила боради.

Инсон ҳуқуқларининг шаклланиши инсон ҳуқуқлари мустақамланган ҳуқуқ нормаларининг вужудга келиши билан боғлиқ ҳолда кенгайлигини таъкидлаш зарур. Инсон ҳуқуқларини ғоявий жиҳатдан асослашда табиий ҳуқуқ доктринасининг ўрни ўзгача. Бу доктринага кўра, инсон тугилиши билан табиий ва ақралмас ҳуқуқларга эга бўлади ҳамда бу ҳуқуқлар давлат ҳокимиятининг ҳоҳиш-иродасидан мустақил ҳолда инсонга тегишли бўлади. Табиий ҳуқуқий концепция шахс мустақиллигига, унинг индивидуаллигига асосий ўрғу беради.

Инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият саналган Ўзбекистон

Инсон ҳуқуқлари шаклланиши

тарихига назар

Жараён

бўлиш ҳамда барча адолат тамойилларига риоя этган ҳолда мустақил суд томонидан ошқара, одил судловга бўлган ҳуқуқлари қиради.

Иккинчи авлод ҳуқуқлари турли табақаларнинг ўз иқтисодий аҳоли, маданият даражасини кўтариш учун бўлган ҳаракати, қураши жараёнида шаклланди. Чунки XIX аср охири XX аср бошларида аҳолининг кескин табақаланишини камайтириш



ли ёрдам бериши керак. Учинчи авлод ҳуқуқлари иккинчи жаҳон урушидан кейин шаклланди бўлиб, улар “жамоавий” ҳуқуқлар ҳам деб юритилади. Бу ҳуқуқлар алоҳида шахслар томонидан эмас, балки жамоа, уюшмалар томонидан амалга оширилиши мумкин. Бирок жамоавий ҳуқуқларнинг амалга оширилиши алоҳида шахснинг ҳуқуқларига дахл қилмаслиги керак. Учинчи авлод ҳуқуқларига тоза атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ, тинчлик ҳуқуқи, ривожланиш ҳуқуқи қабилини киритиш мумкин. Бу ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бир давлатнинг эмас, балки жаҳон ҳамжамиятининг умумий сазй-ҳаракатларини тақозо этади.

Шундай қилиб, инсон ҳуқуқлари бугунги кун даражасига етгунича мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бугунги кунда демократик тараққиёт йўлидан кетаётган ҳар бир давлат сиёсатининг марказида инсон ҳуқуқлари ва уларни таъминлаш масаласи турибди. Ўзбекистон бугунги кунда инсон ҳуқуқларига ҳодик эканлигини халқаро ҳамжамиятга намойиш этиб келмоқда.

Ўзбекистон қонунчилигида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мус-

тахкамланган энг муҳим қоидалар, жумладан, шахс ва унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги, давлатнинг фуқаролидида жавобгарлиги каби ҳуқуқ ва эркинликлар ўз ифодасини топади.

Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари жамиятимиз учун энг олий қадриятдир.

Президентимизнинг **“Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”**ги (2005 йил 1 август) ҳамда **“Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”**ги (2005 йил 8 август) фармонлари бевоосита инсон ҳуқуқлари, хусусан, шахс эркинлигини таъминлаш масаласига дахлдордир. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари олий қадрият саналиб, у жаҳон амалийётининг энг иқобий таърибалари билан бир қаторда юртимиз тарихида шаклланди инсонни эъзозлаш, меҳр-муруват қўрсатиш каби қадриятларга асосланади.

Даврон АБДУЛЛАЕВ,
Юнусобод тумани
прокурори
ёрдамчиси

Ҳуқуқий тарғибот:

адлия идоралари, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим қилинган **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”** мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш юзасидан Адлия вазирлигининг 2011 йилга мўлжалланган алоҳида чора-тадбирлар дастури тасдиқланган эди. Мазкур Дастурга биноан Адлия вазирлиги маъсул ходимлари ва ТДЮИ профессор-ўқитувчиларидан иборат таркибдаги тарғибот гуруҳи республикамиз ҳудудларида аҳолининг барча қатламлари ўртасида тadbирлар ўтказишмоқда.

Хусусан, ушбу гуруҳ аъзолари **“Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир”** мавзусида бир қатор туманларда ёшлар билан яқиндан мулоқотда бўлдилар. Шу йўналишда маҳаллалар, мактаб, коллеж, лицейларда “Қамолот” ЁИХ Вазирлиги кенгаши билан ҳамкорликда 372 мартаба ташкиллаштирилган ўзаро жонли мулоқотларда мутахассислар иштироки таъминлангани йўналишларнинг ҳуқуқий билимларини оширишлари қўмақлашди. Шунингдек, Концепцияда белгиланган устувор йўналишлар мазмунан ёритилган ўқув-услубий қўлланмалар нашр этилиб, кенг ўқувчилар оммасига етказиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари тарқатилди.

Жорий йил давомида адлия органлари ва муассасалари томонидан Концепция мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга қаратилган жами 4097 та ҳуқуқий тарғибот тadbирлари олиб бoрилган бўлиб, унинг 973 таси оммавий ахборот воситаларида амалга оширилди. Мавзуга оид 5 та дарслик, 9 та ўқув-услубий қўлланма, 26 та рисола ва савол-жавоб тарзидаги шарҳлов қўлланмалари нашр қилинди, 20 турдаги плакат ва буклетлар 233 нусхада чоп этилиб, тарғибот тadbирларида тарқатилди.

Адлия вазирлигининг Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси

АДВОКАТ ўз профессионал фаолиятида амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига, адвокатнинг касб этикаси қоидаларига, адвокатлик сирини ва адвокат қасамёдига риоя этишни, ўзига юридик ёрдам сўраб мурожаат этган жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган воситалари ҳамда усуллари билан фойдаланиши шарт.

Адлия бошқармаси томонидан адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия берилган адвокатларнинг фаолияти мониторинг ўтказиш орқали ўрганилганда, адвокат Н.Инаётов 2009 йил 24 августда Тошкент вилояти ҳудудидagi “Best adi advokat” адвокатлик фирмасига ишга кирганлиги, шу билан бирга адвокат бир вақтнинг ўзига Тошкент шаҳри ҳудудидagi “Advokat otab” адвокатлик фирмасида ҳам фаолият юритиб келганлиги маълум бўлди. Адвокат Инаётов ўзи ҳуқуқшунос бўла туриб, **“Адвокатура тўғрисида”**ги Қонун талабларини қўпол равишда бузган. Яъни бир вақтнинг ўзига иккита адвокатлик

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Меҳнат кодексининг 97-моддасига асосан меҳнат шартномаси қуйидаги сабабларга кўра бекор қилинади:

— ТАРАФЛАРНИНГ келишувига кўра. Ушбу асосга биноан меҳнат шартномасининг барча турлари исталган вақтда бекор қилиниши мумкин;
— тарафлардан бирининг ташаббуси билан;
— мuddатнинг тугаши билан;
— тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра;
— меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра;
— янги мuddатга сайланмаганлиги (танлов бўйича ўтмаганлиги) ёхуд сайланишда (танловда) қатнашишни рад этганлиги муносабати билан.
Корхонанинг бир орган бўйсунувидан бошқа орган бўйсунувига ўтказилиши меҳнат шартномасининг амал қилишини тўхтатмайди.

Ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътиллarda бўлган даврида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхона бутунлай тугатилган ҳоллар бундан мустасно.
Башарти, жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун қасаба уюшмаси қўмитаси ёки ҳодимлар бошқа вакиллик органининг

Фаолият

Адвокатнинг касб этикаси қонунларга риоя этилишини талаб қилади

тузилмасида фаолият кўрсатиб келган. Унга нисбатан интизоми иш юритиш масаласи тегишли тартибда Адвокатлар палатаси Тошкент вилояти ҳудудидagi бошқармаси ҳузуридаги Маляка комиссиясининг муҳокама-сига киритилди ва тегишли тартибда интизоми жавобгарлик масаласи ҳал қилинди.

Адлия бошқармаси томонидан ўтказилган мониторинг ўрганишлари натижасида 9 нафар адвокат уч ойдан ошмайдиган мuddатда адвокатлик тузилмаси ташкил этмасдан ёки мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига кирмасдан, фаолият кўрсатмаганлиги аниқланиб, уларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи ли-

цензиясининг амал қилиши тегишли тартибда тугатилди.

Адвокат томонидан адвокатур тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари, адвокатнинг касб этикаси қоидалари, адвокатлик сирини ва адвокат қасамёди бузилганлиги унга нисбатан интизоми чоралар қўлланилишига сабаб бўлади.

Қонунда адвокатлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга малакали ва сифатли ёрдам кўрсатилишини таъминлаш мақсадида адвокат илмий ва педагогик фаолиятдан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасидаги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фа-

олият билан шуғулланишга ҳақли эмаслиги белгилаб қўйилган. Бу эса, ўз навбатида, адвокатурасоҳасига билимли ва малакали кадрларнинг кириб келишини таъминлаш, адвокатнинг касб этика қоидалари, адвокатлик сирини ва адвокат қасамёдини бузган адвокатларга нисбатан интизоми чоралар қўлланишида Адвокатлар палатаси ваколатини оширди.

Бугунги кунда вилоят адлия бошқармаси томонидан малака имтиҳонини муваффақиятли топширган 338 нафар талабгорга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берилди. Шундан вилоят ҳудудидagi 94 та адвокатлик тузилмасида 193 нафари, бошқа ад-

вокатлар эса Тошкент шаҳар ҳудудидagi адвокатлик тузилмаларида фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кун адвокати мамлакатимиздаги сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий соҳадаги ўзгаришлар билан танишиб бoриши, қонун ва қонуности ҳужжатларини мукамал ўзлаштирган бўлиши, юридик ёрдам сўраб мурожаат этган жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда қонунда назарда тутилган воситалар ҳамда усуллардан тўлиқ фойдаланиб, ҳар қандай шароитга тайёр бўлишликни тақозо этади.

Президентиимиз таъкидлаганидек, ҳозирги вақтда мамлакатимизда прокурор ва адвокатнинг тенглигини, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув бўлишини таъминлашга, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Хусан ОЧИЛОВ,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

кинчи қисмининг 2-банди) камида икки ҳафта олдин.

Меҳнат шартномаси ходим айбли хатти-ҳаракатлар содир этганлиги муносабати билан бекор қилинган ҳолларда иш берувчи ходимни меҳнатга оид муносабатларнинг бекор қилиниши тўғрисида камида уч кун олдин хабардор қилади ёки унга шунга муносиб компенсация тўлайди.

Огоҳлантириш мuddати давомида, меҳнатга оид муносабатлар ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлар содир этганлиги муносабати билан бекор қилиш тўғрисидаги огоҳлантириш истисно этганда, ходимга бошқа иш қидириш учун ҳафтада камида бир кун шу вақт учун иш ҳақи сақланган ҳолда ишга чиқмаслик ҳуқуқи бeрилади. Ходимни огоҳлантириш мuddатига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври, шунингдек, унинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажарган вақти қўшилмайди, меҳнатга оид муносабатларнинг корхона тугатилганлиги натижасида бекор қилиниши бундан мустасно.

Меҳнат шартномаси фaйри-қонуний равишда бекор қилинган ёки ходим фaйриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ҳолларда, у иш берувчининг ўзи, суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан аввалги ишга тикланиши лозим.

Нурали ЭРГАШЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро суди судьяси

Мустақиллик фарзандлари

Буюк ва муққаддассан, мустақил Ватан

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ юридик институтига ўқишга киришим, ушбу олийгоҳда 3 йил давомида замонавий шарт-шароитлар асосида таълим олишим, ўқиш ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этишим мустақиллигининг менга берган имконияти, деб ҳисоблайман.

ЮРТБОШИМИЗНИНГ “Киши тоза қалб билан, чин кўнгилдан бир ният қилиб, интилса, унга алабатта эришади”, деган сўзлари ҳаётий шiorимга айланган. Давлатимиз раҳбарининг барча даъватлари биз ёшларнинг Ватан равнақи йўлида бир тану бир жон бўлиб жипслашишимизда, аъло ўқиб, намунали ҳуқ эгалари ҳамда ижтимоий фаол бўлишимизда муҳим асос бўлмоқда.

Икки йилдирки, Адлия вазирлиги ҳузурида тузилган ҳуқуқий тарғибот гуруҳининг энг ёш аъзоси сифатида Ватанимизнинг 150 га яқин шаҳар ва туманларидаги ёшлар билан учрашиш, уларнинг ўй-хаёллари билан ўртоқлашиш имконига эга бўлдим. Учрашувларда ёшларнинг ҳуқуқий билимларини янада юксалтиришдек хайрли ишга ўз ҳиссамни қўшаётганлигидан бахтиёрман.

Мамлакатимизнинг олис-олис қишлоқларидаги ёшлари билан учрашиш жараёнида уларнинг юртимизда кечаётган ислохотлардан яхши хабардорлиги, яратилётган шароитлардан баҳрамаланаётган алоҳида эътибор қалбларини гуруҳ ва ифтихорга тўлдирётганлиги мени қувонтирди.

Ёшлар Адлия органларининг доимий эътиборида. Уларни юксак марралар сари рағбатлантириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, яқиндагина ўтказилган **“Ҳуқуқ билимдонлари — 2011”** республика кўрик-танлови давомида ҳам ана шу анъана давом эттирилиб, ўнлаб интилувчан ёшларнинг ўз истеъдодларини намойён этишига шароит яратилди.

Жорий йилнинг февраль ойида Самарқанд шаҳрида ташкил этилган ҳуқуқшунослик йўналишида таълим олаётган олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказилган **“Балли ҳуқуқшунос-лар — 2011”** республика кўрик-танловининг мақсад ва вазифалари ҳам айнан янги истеъдодларни кашф этиш ва ҳуқуқшунос кадрларга бўлган эътиёжни қондиришдан иборат бўлди.

Ушбу танлов натижаларига кўра 4 нафар ҳуқуқ билимдонларининг келажакда Адлия органларига имтиёзли равишда ишга қабул қилиниши йўлга қўйилди. Хуллас, мустақиллик шарофати билан амалга оширилаётган бу эзгу ишлар, ҳар жабҳадаги янги-янадаги замирида самимий ният, эртани ўйлаб яшашдек эзгу гоюлар мумкин.

Шундай юртда туғилганлигимдан, мустақиллик тенгдоши эканлигимдан бахтиёрман.

Фаррух ШАРИПОВ,
ТДЮИ талабаси,
Адлия вазирлиги ҳуқуқий тарғибот гуруҳи аъзоси

Адлия ёрдам берди

Ўрганишлар натижасида талабномалар киритилди

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ биринчи чораги давомида Андижон вилояти адлия бошқармасининг Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими томонидан 35 та ҳўжалик юритувчи субъектда шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг қонунийлиги ўрганилиб, улар томонидан тузилган 4 067 та шартнома кўриб чиқилди. Ўрганиш жараёнида 725 та ҳолатда шартномаларнинг тузилиши бўйича, 563 та ҳолатда шартномаларнинг бажарилишида қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди.


СУДЛАРГА 1 039 471 563 сўмлик 261 та даъво аризаси, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан тааллуқли идораларга 40 та тақдиминома, бир неча огоҳнома, кўрсатма ва талабномалар киритилди. Даъво аризалардан 143 та 601 509 614 сўмлик қисми суд-

лар томонидан қаноатлантирилди. Асака ҳамда Қўрғонтепа туманлари “Пилла” давлат корхоналари томонидан қишлоқ ҳўжалиги корхоналари, шу жумладан, фермер ҳўжаликлари билан тузилган шартномаларга асосан умумий қийматига нисбатан 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда бўнақ

(аванс) етказиб бeришлиги тўғрисида киритилган талабномага асосан 9 миллион 400 минг сўм тўловлар амалга оширилди.

Ушбу ҳолатлар юзасидан прокуратура идораларига киритилган тақлиф ҳозирда мазкур органлар иш юритишда эканини қайд этиш жоиз.

Ҳўжалик юритувчи субъектларда шартномаларни тузиш ва шартнома мажбуриятларини бажаришда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 40 та тақдиминома киритилиб, уларга асосан 344 700 000 сўм маблағ ундирилиши таъминланди.



Бундай ҳолатларга йўл қўйган 4 нафар мансабдор шахсга интизоми жазо қўлланилди, бир нафари эгаллаб турган лавозимдан озод қилинди.

Жумладан, Ҳўжабод тумани қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлимида ўтказилган ўрганишлар натижасида қонунбузарликка йўл

қўйган шартномаларни рўйхатга олиш мутахассиси М.Эгамов лавозимидан бўшатилди.

Иброҳим ТУРҒУНОВ,
Андижон вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

РЕСПУБЛИКАМИЗДА қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳалқаро ҳужжатларга зид эмаслиги ва ҳалқаро ҳамжамият томонидан умумэтироф этилган ҳуқуқий нормаларга мос келаётганини алоҳида мамнуният билан таъкидлаш жоиз.

ХАЛҚАРО ҳуқуқнинг умумэтироф этилган ҳужжатларидан бири сифатида “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактни кўрсатиш мумкин. Ававало, “Пакт” деган сўзга изоҳ берадиган бўлсак, у латинча сўздан олинган бўлиб, пактум-шартнома, келишув, деган маънони англатиб, “Пакт” бу халқаро шартномаларнинг бир кўринишидир.

“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган ва 1976 йил 23 мартда қўлга кирган.

Мазкур Пактнинг 1-моддасига тўхталадиган бўлсак, унда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз ҳудудига турган ва ўз юрисдикцияси остида бўлган барча шахсларнинг ҳуқуқларини ҳеч бир айирмачиликсиз, жумладан, irqи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳоли, туғилиши ёки ўзга ҳолатидан қатъи назар, ҳурмат қилиш ва таъминлаш мажбуриятини олади.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормалари Конституциямиздаги яшаш ҳуқуқининг дахлсизлиги белгиланган ҳола-

лардан келиб чиқиб, шунингдек, жинсий ҳазоларни янада либераллаштиришга қаратилган муайян тadbирларни амалга ошириш мақсадида Президентимизнинг 2005 йил 1 августдаги **“Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”**ги Фармонида асосан ўлим жазоси жинсий жазо тури сифатида 2008 йил 1 январдан эътиборан бутунлай бекор қилинди ҳамда узок мuddатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилди.

Шуни таъкидлаш керак-

Халқаро меъёрлар ва миллий қонунчилик



ки, ҳозирги вақтда ҳам жаҳондаги 83 та давлат қонунчилигида ўлим жазоси мавжуд.

Пактнинг 7-моддасига асосан ҳеч қим қийноқларга ёки шафқатсиз, гайринсоний ёки кадр-қимматини камситувчи муомалаларга ёки жазога дучор этилмаслиги керак. Жумладан, ҳеч бир шахс устидан ўзининг розилигисиз тиббий ёки илмий тажриба ўтказилиши мумкин эмас.

Мазкур норма талаблари ҳам Конституциямизнинг 26-моддасида ақс этган бўлиб, унга кўра, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир

шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора қўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб бeрилади.

Ҳеч қим қийноққа солиниши, эъравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъзияқа дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч қимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас. “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт 53 та моддадан иборат бўлиб, унда инсонларнинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишини таъминлашга қаратилган халқаро ҳуқуқий нормалар белгиланган. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан

бир қатор факультатив протоколлар қабул қилинган.

Шуни эътироф этиш лозимки, республикамизда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш жараёни изчил давом этмоқда. Биргина, юқорида кўрсатиб ўтилган “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактдаги ҳуқуқий нормаларнинг республикамиз Конституцияси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топганлиги Ўзбекистон қонунчилиги умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳамохан тарзда ривожланиб бораётганини англатади.

Жаҳонгир КОЗИМОВ,
Сурхондарё вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

Сўраган эдингиз

Зарарни ким тўлайди?

— ҲОЗИР болалар таътилга чиққан пайт. Уларнинг кўпчилиги дам олиш оромгоҳларида бўлишса, айримлари уйда ҳордиқ чиқаришмоқда. Онда-сонда бўлса-да, ота-она назоратсиз қолган болалар ҳам йўқ эмас. Айтинг-чи, агар 12 ёшли бола автомашинага тош отиб, ойнасини синдирса, зарарни ким тўлайди?

А.КОДИРОВ,
Юнусобод тумани.

— ВОЯГА ЕТГҲУНЧА, яъни 18 ёшгача бўлган давр инсон умрида энг нозик, энг мураккаб даврдир. Шу ёшда инсон онги, ахлоқи, маънавий қиёфаси шаклланади. Бу даврда фарзандларимизни ўз холига ташлаб қўйиш, тарбияси, билан шуғулланмаслик келажақда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 993-моддасига кўра, 14 ёшгача бўлган вояга етмаган болалар томонидан етказилган зарар учун унинг ота-онаси (фарзандликка олувчилари) ёки васийлари, агар зарар уларнинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, жавобгар бўладилар.

Агар васийликка муҳтож кичик ёшдаги бола тегишли тарбиялаш, даволаш муассасасида, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасида ёки қонунга кўра васийси ҳисобланадиган бошқа шунга ўхшаш муассасада турган бўлса, бу муассаса, агар зарар муассасанинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, кичик ёшдаги бола томонидан етказилган зарарни тўлаши шарт.

Агар кичик ёшдаги бола ўқув юрти, тарбиялаш, даволаш муассасалари ёки унинг устидан назоратни амалга ошириши шарт бўлган бошқа муассасанинг, шунингдек, шартнома асосида назоратни амалга оширувчи шахснинг назорати остида турган вақтда зарар етказган бўлса, бу муассасалар ва шахслар, агар зарар уларнинг назоратни амалга оширишдаги айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, зарар учун жавобгар бўладилар. Демак, қонунга мувофиқ, автомашинанинг ойнасини синдирган боланинг ота-онаси зарарни тўлаши керак бўлади.

Меҳринисо АТА-МИРЗАЕВА,
Миробод тумани 8-сонли давлат
нотариал идораси нотариуси

“ЎЗВИНСАНОАТ — ХОЛДИНГ” ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

**27 июнь — Матбуот ва оммавий
ахборот воситалари
ходимлари кўни муносабати билан барча
журналистларни қутлайди! Сизларнинг юртимиз
равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатингиз
таҳсинга лойиқ. Байрам муносабати билан халқ
манфаатларини ҳимоя қилишда, улкан
ислохотларнинг фаол тарғиботчиси
бўлишдек масъулиятли ишларингизда
муваффақиятлар тилайди!**

МИНГБУЛОҚ “ҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ” ЖАМОАСИ

*Матбуот ва оммавий ахборот воситалари
ходимлари кўни билан мамлакатимиз
журналистларини самимий қутлайди.
Ҳозирги ширдақтор ахборот асрида халқ ахборот
ётказишда, тезкор ва йўқинарли, содда ва раво
тилда воқеа тафсилотларини баён этишингизда,
бир сўз билан айтганда, машаққатли ва
масъулиятли иш фаолиятингизда янгидан-янги
зафарлар ва муваффақиятлар тилайди!*

“НАМАНГАН САНОАТ — ЛОЙИҲА” КТХФ ЖАМОАСИ

**Матбуот ва оммавий
ахборот воситалари
ходимларини касб
байрами билан сами-
мий муборакбод этади!
Сиз азиз фидойи касб
эгаларига ижодий
баркамоллик тилайди!**

Банк ва мижоз

Ўзаро ҳамкорлик

тармоқлар фаолияти кенгайишига омил бўлмоқда

БУГУН юртимизда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, зарур шарт-шароитлар яратиб бериш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларнинг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида тижорат банклари томонидан турли имтиёзли кредитлар ажратилапти. Бу, ўз навбатида, реал иқтисодий секторни ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

АХОЛИНИНГ озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, ички истеъмол бозорини юртимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қолаверса, қишлоқларда замонавий техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ич-чам корхоналар барпо этиш, пировардида халқ турмуш фаровонлигини оширишда тижорат банкларининг ўрни катта. Бу борада Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори муҳим дастуриламалдир.

Мазкур Қарор ижросини таъминлаш мақсадида очик акциядорлик тижорат «Кредит-Стандарт» банки томонидан ўтган йил давомида 24,2 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 1,98 миллиард сўмни ташкил этди. Шунингдек, аҳолининг ўсимлик ёғига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ёғ-мой саноат уюшмаси таркибига кирувчи иккита корхона 7,9 миллиард сўмлик кредит билан таъминланди. Бунинг натижасида республикамиз аҳолисининг юқори сифатли ўсимлик ёғига бўлган талаби қисман қондирилди.

Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайитирилиши рағбатлантириш борасидаги қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан ҳам банк томонидан қатор амалий ишлар қилинди. Хусусан, рақобатбардош, юқори сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини ва турларини кўпайтиришни рағбатлантириш, ички бозорни улар билан янада бойитиш, тайёр ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини эса модернизациялаш, техник-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида ўтган йили кўрсатилган кредит ҳамда лизинг хизматлари миқдори 4,7 миллиард сўмни ташкил этди. Жорий йил давомида эса жами 2,49 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Хусусан, ўтган йили банкнинг Самарқанд филиали мижозига узоқ муддатга 4,4 миллиард сўмлик лизинг хизмати кўрсатди. Натижада ўшбу корхонага Бельгия, Франция, Германия давлатларидан 8 хил рангли гилам маҳсулоти ишлаб чиқарувчи, юқори сифатли, янги комплекс ускуналари келтирилди.

Бир сўз билан айтганда, очик акциядорлик тижорат «Кредит-Стандарт» банки томонидан кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга кенг эътибор берилмоқда. □

Эркин СОБИРОВ,
“Кредит-Стандарт”
банки Корпоратив
кредитлаш ва лизинг
бошқармаси бошлиғи

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ “ҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ” ҲАЖ ЖАМОАСИ

азиз журналистларимизни 27 июнь —

Матбуот ва оммавий ахборот

воситалари ходимлари кўни ҳамда

тобора яқинлашиб келаётган

Истиқлолимизнинг 20 йиллиги байрами

билан самимий муборакбод этади!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровон

ҳаёт, юртимизга осойишталик ва

камолот тилайди.

Бахту саодат, илму маърифат машъали

Сизларнинг доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

“САМ-АНТЕП ГИЛАМ” ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

**мамлакатимиз журналистларини касб
байрами билан табриклайди!**

Ҳаққоний таҳлил, теран фикр ҳамда

жасорат эгалари —

Сиз фидойи ижодкорларга

сиҳат-саломатлик, юрт

меҳрида қайноқ илҳом тилайди!



Соҳада

Қонун ҳужжатларини туркумлаш борасидаги фаолиятни такомиллаштириш

АМАЛДАГИ қонунларни тўғри қўллаш жараёнининг самарали кечишида, қонун ижодкорлиги, қонун ҳужжатларини туркумлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

ҚОНУН ҳужжатларини туркумлаш — норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳисобини олиб бориш, тармоқлар бўйича тизимлаш, уларнинг назорат ҳолатини олиб бориш, демакдир. Бундан кузатиладиган мақсад ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш, бир тизимга келтириш, уларни фойдаланиш учун қўлай қилиб жойлаштиришдан иборат.

Бу йўналишдаги ишлар қонунчиликка қатъий риоя қилинишини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қўлланиладиган қонун ҳужжатларининг назорат ҳолатида олиб борилиши уларнинг ўз вазифаларини қонуний

бажаришида асосий ўрин тутди.

Қонун ҳужжатларини туркумлаш — қонун ҳужжатларини марказлаштирилган тартибда йиғиш, ҳисобга олиш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг умумҳуқуқий классификатори асосида код бериш, уларнинг назорат нусхаларини олиб боришдан иборатдир.

Адлия вазирлиги тизимида қонун ҳужжатларини туркумлашни янада такомил-

лаштириш, адлия органлари ва муассасалари фаолиятида қонун ҳужжатларини туркумлаш ишларининг тўғри ва самарали ташкил этилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида Адлия вазирлигининг 2010 йил 17 майдаги буйруғи билан **“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида қонун ҳужжатларини туркумлаш қоидалари”** амалиётга йўналтирилган бўлиб, ушбу ҳужжатга Адлия вазирлигининг 2011 йил 19 майда-

ги буйруғи билан тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Шунга мувофиқ қонун ҳужжатларининг назорат ҳолатида сақланишини таъминлаш борасидаги ишларни йўлга қўйишнинг янги тартиби белгиланди. Жумладан, **“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами — Собрание законодательства Республики Узбекистан”** расмий нашри эълон қилинганидан сўнг 3 кунлик муддатда мазкур нашрда ёритилган қонун ҳужжатлари асосида назорат ҳолатида олиб борилиши лозим бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг рўйхати адлия бошқармаларига, адлия бошқармалари эса ушбу рўйхатни барча давлат нотариал идоралари ва ФХДЭ бўлимларига ижро учун юборди ва уларнинг ўз вақтида бажарилиши устидан доимий назоратни

олиб боради. Шунингдек, адлия бошқармалари қонун ҳужжатларининг назорат ҳолатида олиб борилиши бўйича бажарилган ишларни таҳлил қилиб, бу ҳақдаги маълумотларни ҳар ойда бир маротаба Адлия вазирлигининг Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармасига тақдим этиши белгиланди.

Яқинда шу мавзу юзасидан Фаргона вилояти адлия бошқармаси томонидан суд департаменти ходимлари ҳамда туман, шаҳар давлат нотариал идоралари ва ФХДЭ бўлимлари ходимлари иштироғида ўқув-семинар машғулотлари ўтказилиб, уларга тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Шоҳистахон КАРИМОВА,
Фаргона вилояти адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси

Адлия вазирлиги ҳамда Олий ҳўжалик суди: меморандум ижроси

Таъсир чораларини кўриш масъулияти

МАЪЛУМКИ, ишончли кафолатларни таъминлаш, тадбиркорларга эркинлик бериш натижасида қўлай бизнес муҳитини яратиш имконияти пайдо бўлмоқда. Тадбиркорлар ҳақ-ҳуқуқларини қонуний ҳимоя қилиш ҳўжалик судлари зиммасига ҳам катта масъулият юклаган.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2005 йил 14 июндаги **“Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони қабул қилиниши билан тадбиркорлик субъектларига нисбатан иқтисодий соҳада содир этилган молиявий ҳуқуқбузарликларга ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш, шу жумладан, молиявий санкцияларни қўллаш суд тартибидида амалга оширилиши белгиланди. Бу билан ҳўжалик судларида тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий санкциялар қўллаш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилишида адолат ва қонунийликни таъминлаш билан бирга уларнинг қонуний манфаатларини суд тартибидида ҳимоя қилиш кафолатланди. Суд амалиётида назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишда текшириш қоидалари ва тартибини бузганлик ҳолатлари аниқланганда молиявий санкциялар қўллаш рад этилиши ҳолатлари мавжуд. Айрим ҳолларда эса солиқ органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишда аниқланмаган қонунбузулиш ҳолатлари бўйича ҳам судларга молиявий санкцияларни қўллаш тўғрисида даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳолатларини кузатиш мумкин. Фикримизни ойдинлаштириш учун қуйидаги мисолга мурожаат қилайлик.

Қорақўл тумани Давлат солиқ инспекцияси судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар — якка тартибдаги тадбиркор Рўзигул Шариповага нисбатан Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 декабрдаги **“Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида”**ги қарори талабларига зид равишда назорат-касса машинасини ишлатмасдан чакана савдонини амалга оширганлиги учун Солиқ кодексининг 119-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан элик бараваригача миқдорда молиявий жарима қўллашни сўраган.

Судда аниқланишича, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши Қорақўл тумани ҳудудий комиссиясининг рухсатномаси ва Қорақўл тумани Давлат солиқ инспекциясининг буйруғига асосан тумандаги якка тартибдаги тадбиркор Хилола Юсуповага қарашли савдо дўконидида қисқа муддатли текшириш ўтказилиши белгиланган.

Бирок, туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари З.Рўзигул ва К.Шамсиддиновлар жавобгар якка тартибдаги тадбиркор Рўзигул Шариповага қарашли савдо дўконидида қисқа муддатли текшириш ўтказиш учун Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши рухсатномаси ва солиқ органнинг буйруғи мавжуд бўлмаса-да, асоссиз равишда Рўзигул Шариповага қарашли савдо шохбончасида қисқа муддатли текшириш ўтказган.

Солиқ кодексининг 67-моддаси, 4-қисмига кўра, қонун ҳужжатларининг талабларини бузган ҳолда олинган солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳужжатлар ёки бошқа ахборот солиқ тўловчинини солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка тортишга асос бўла олмайди.

Ваҳоланки, судда якка тартибдаги тадбиркор Рўзигул Шарипованин қонуний манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда даъво асосли равишда рад қилинган ва аниқланган қонунбузулишлар юзасидан хусусий ажрим чиқарилган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳўжалик судлари ҳамда назорат қилувчи органлар томонидан ҳўжалик йортувчи субъектларга нисбатан молиявий жарима қўллаш ҳақидаги даъво аризаларини кўришда ишдаги далиллар ҳар томонлама ва синчковлик билан ўрганиб чиқилиб, аниқланган қонунбузулишлар бўйича кескин ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш лозим. Шундагина хусусий мулкнинг, тадбиркорнинг ҳуқуқи ва ҳимояси мустаҳкамланади. Хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизими яратилади.

Илхом ЮЛДАШЕВ,
Бухоро вилояти ҳўжалик суди судьяси,
Валижон ЮСУПОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири



ҲОЗИРГИ шиддатли техника асрида оилаларимизда китобхонлик маънавияти биров сусайандек. Ҳатто баъзи ота-оналар фарзандларига китоб ўқитиш ўрнига тезроқ компьютер олиб беришни ўйлашади. Гўёки, бу билан ўзларининг фарзандлари олдидаги бурчини айлорок ўтаётгандек. Аммо...

АСЛИДА, қадимдан ўзбек оилаларида китобга муҳаббат, китобни асраб-авайлаш қадимий маънавий анъаналаримиздан бири ҳисобланади. Китобхонлик — маънавий коммулик асосларидан саналаркан, халқимизнинг ўзи қадар қадимий тарихга эга.

“Китобсеварлик аслини олганда китобхонликдан сув ичган инсоний фазилат, бинобарин, унда инсоннинг маънавий коммулик даражаси акс этиб туради. Халқимизда эса ушбу фазилат оила муҳитида шаклланган, дастлаб халқ бахшиларини, халқ қиссахонларини оилавий давраларда, тўймаъракаларда, зиёфат ва гап-гаштакларда қуйлаган достонлари, айтган қиссалари, бобо-ю буви-жонларнинг ўз болажонларига айтган эртакларини марок билан тинглаш тарзида шаклланган.

Зеро, китобхонлик — меҳнатдир, инсон маънавиятини юксалтиради, ақлий меҳнат сифатида кунт ва диққатни, сабр ва бардошни талаб этади, инсон шуррини ҳаракатга солади. Мушоҳада ва мулоҳаза юритиш иқтидорини шакллантиради, фикрини чарқлайди, теранлаштиради, ҳодисалар моҳиятига хос фарқлар ва муштарак хусусиятларни идрок қилишга, улардан умумлашма хулосалар чиқаришга йўл очади”, — деб фикр билдиради оилашунос олимларимиз.

Табиийки, оилада китобхонлиқни шакллантириш катталар зиммасидаги инсоний ва маънавий бурч, шунингдек, келахак олдидаги масъулиятдир.

Бунинг энг биринчи нишонлари ҳажжи болалигимизга сўзлаб берадиган эртак, афсон-

ларимиздир.

Оилаларда китобхонлиқни шакллантиришда боболар ёки бувиларнинг болаларга эртакўйлиги ёки ота ва оналарнинг

олампимизи?

Болаларга китобларни танлашда уларнинг ёши ва дунёқарашини ҳисобга олиш мумкин, аммо телевидение, радио ва интернет орқали берилаётган маълумотларда бу чегарани назорат қилиш бирмунча мушкул.


Баъзан ота-оналарнинг ўзлари болаларнинг ёшига, дунёқарашига мос бўлмаган фильмларни

қарор топтира олиш болаларда телевидение, интернет орқали сингизиш осон бўлган агрессивлиқнинг олдини олади. Ҳақиқатан ҳам китобсевар бола вазирироқ, босиқроқ, мулоҳазалироқ эканлигини, уларнинг дунёқарашини оқсакроқ, фикрлари теранроқ эканлигининг гувоҳи бўлганмиз.

Шу ўринда китоблар

Фикр

Китобхонлик эскилик(ми)?



китобхонлиги алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳақда биз ота-оналар буюк рус шоири А.С.Пушкин истеъдодининг куртак отишида бувиси Арна Радонваннинг қиссалари, Ҳамид Олимжонда шоирлик истеъдодининг уйғонишида бувиси сўйлаб берган эртаклар муҳим ўрин тутганлигини эшитганмиз.

Аммо, биз-чи, фарзандларимизга шу хислатни сингдира

томоша қилишларига имкон берадилар. Ўзлари ёнларига ўтказиб олиб мазмун ҳақиқатларни бўлган телесериалларни биргаликда томоша қилишларига нима дейсиз? Аммо, фарзанд тарбиясида бир дақиқа бўлса-да, лоқайликка берилиш, эътиборсизлик қилиш мумкин эмас.

Фарзандларда китобхонлик маънавиятини болалигидан, китобсеварлик туйғуларини

ўрнини босишга даъвогарлик қилаётган турли фильмлар, ҳатто мультфильмлар мазмун ва уларда илгари сурилаётган гоғлар ҳақида алоҳида фикр билдириб, мулоҳаза юритиб кўриш ҳам унутмаслигимиз лозим.

Рисолат АБДУЛЛАЕВА,
Таникул ИСМАТОВ,
Кашқадарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходимлари

Адлия аралашгач...

Молиявий жарима бекор қилинди маблағ хусусий корхонага қайтарилди

ТАДБИРКОРЛИК субъектлари раҳбарларидан келиб тушадиган мурожаатларни кўриб чиқиш, ўз вақтида уларга амалий кўмак кўрсатилишини таъминлаш адлия идораларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР адлия бошқармаси бу борада салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

Пойтахтимизда фаолият юритаётган “Azizahon savdo biznes” хусусий корхонаси раҳбари Р.Бобожонов корхонага нисбатан ортиқча қўлланилган молиявий жаримадан норози бўлиб, адлия бошқармасига мурожаат қилди.

Мурожаатда келтирилишича, Олмалоқ тумани ДСИ корхона вақиллари томонидан ўз вақтида инкассация қилинмаган 1 091 500 сўмга нисбатан молиявий жарима қўллаб, мазкур жарима молиявий жарима қўллаш учун асос бўлмаса-

да, ДСИ томонидан тадбиркорлик субъектига молиявий жаримани ихтиёрли равишда тўлаш (имкони) тавсияси билан расмийлаштирилган қарор асос қилиниб, суд қарорисиз корхона ҳисоб варағидан инкассо топшириқномалари орқали юқоридидаги маблағ ечиб олинган.

Олмалоқ тумани ДСИдан олинган маълумот ҳамда тақдим этилган ҳужжатлар ўрганилганда мазкур ваз ўз тасдиғини тоғди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2005 йил 24 июндаги **“Тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун**

молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида”

Ҳамид Олимжонда шоирлик истеъдодининг уйғонишида бувиси сўйлаб берган эртаклар муҳим ўрин тутганлигини эшитганмиз.

қонуний манфаати ҳимояланиб, туман ДСИнинг корхонага нисбатан молиявий жарима қўллаш ҳақидаги қарори бекор қилинди, инкассо топшириқномаларини ҳақиқий эмас, деб топил юзасидан шаҳар ҳўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Ҳўжалик судининг қарори билан Давлат солиқ инспекциясининг хусусий корхонага нисбатан молиявий жарима қўллаш ҳақидаги қарори бекор қилинди. Энг муҳими, инкассо топшириқномалари орқали ундирилган 1 миллион 91 минг 500 сўм миқдоридидаги маблағ хусусий корхона ҳисобига қайтарилди.

Султон УРУНБОВЕВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими

2011 йил — “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”

Имтиёздан баҳрамандлик

Бунда эса Давлат тижорат банкларининг ҳиссаси катта бўлмоқда

— дейди Нарпай тумани ҳокимининг иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Фахриддин ОМОНОВ

— ҲАР ЙИЛИ Президентимизнинг соврини учун ўтказилаётган “Ташаббус” кўрик-танловида бизнинг туманимиз тадбиркорлари ҳам фаол иштирок этиб келади. Хусусан, “Ташаббус — 2011” кўрик-танловининг вилоят босқичида туманимиздаги “Рустам Са-лохиддинов” фермер ҳўжалиги бошлиғи Бўритош Ас-лохиддиновнинг “Энг яхши фермер” номинацияси бўйича бош совринни эгаллагани, “Энг яхши тадбиркор” номинацияси бўйича эса “Саломатлик” масъулияти чекланган жамияти раиси, Саъдулла Ибодовнинг фахрли ўринини эгаллагани туманимизда тадбиркорларнинг сафи кенгайгани, кишиларимизнинг тадбиркорлик фаолиятига қизиқишлари ортганидан далолат беради. Аслида бу қизиқишларнинг тағ-замини мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларга бориб тақалади. Бу ислохотлар эса жамиятимизда мулкдорлар сафини кенгайтиришга, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган корхоналарни, ишбилармонларни кенг қўллаб-қувватлашни рағбатлантиришга ва шу тарика аҳоли бандлиги ҳамда фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Туманимизда 2017 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритапти. Уларнинг саъй-ҳаракати туфайли жорий йилнинг биринчи чораги давомида 24138,0 миллион сўмлик саноат, 9299,1 миллион сўмлик халқ истеъмолий моллари ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11 фоизга кўпдир.

Бугунга келиб, туман кишлоқ ҳўжалиги тармоғидидаги ялли маҳсулотнинг қарийб 100 фоизини кичик корхоналар, фермер ҳўжаликлари, микрофирмалар етказиб бермоқда. Шу боис кейинги йилларда пилла, дон, пахта, мева, сабзавот, полиз, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда ўсиш суръатлари кўзга ташланаётти. Бундан ташқари, қурилиш, чакана савдо, хизмат кўрсатиш ва йўловчи ташишнинг ҳам 100 фоизини кичик корхоналар таъминламоқда.

Туманимизда фаолият кўрсатаётган банклар билан тадбиркорлар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Ўтган йили туман тижорат банклар томонидан тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 25,2 миллиард сўм, жорий йилнинг биринчи чорагида эса 5,8 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Жорий йилда беришган кредитлар эвазига “Оқтошдўн” корхонасида йилига 200 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун мўлжалланган янги замонавий нон цехи ишга туширилди. Шунингдек, корхонада чорвачиликка ихтисослашган ёрдамчи ҳўжалик ташкил этилиб, четдан 60 бош зотли қорамол келтирилди. Бу эса корхонада 26 та янги иш ўрни яратиш имконини берди. Банк кредитлари эвазига туманда паррандачилик ҳам кенг йўлга қўйилмоқда. Хусусан, “Зирабулоқ пахта” корхонасига қарашли Чархин пунктида 10 минг бош, туман “Кишлоқҳўжалик” корхонасида 19 минг бош, “Х.Одилов” ва “Асомиддин” фермер ҳўжаликларида 750 бошдан парранда боқиш учун шароит яратилиб, бугун ана шу ҳўжаликлар аҳолига пархез гўшт ҳамда туҳум етказиб беришапти. Паррандачиликни ривожлантириш орқали 30 нафардан ортиқ киши иш билан таъминланди.

Кишлоққа саноатни олиб кириш бугуннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бу борада сармоя тадбиркорларнинг асосий таянчи. Шунинг учун банклар пишиқ, пухта, истикболли бизнес режа тузиб, кредит олаётган тадбиркорни доимо қўллаб келмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан жорий йилнинг дастлабки чорагида кичик корхона ва микрофирмаларга ажратилган кредитларнинг аксарият қисми имтиёзли тарзда берилаётти. Масалан, “Агробанк”нинг Оқтош филиали Қадим кишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган “Тоҳир ўрин чорваси” хусусий корхонасига 200 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Тадбиркор бу маблағ эвазига яқинда Украина давлатидан 50 бош зотли қорамол олиб келди. Корхонада қўшимча 10 та иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, туманимизда балиқчиликни ривожлантириш борасида ҳам бир қатор ишлар қилинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 4 та балиқчиликка ихтисослашган корхона ташкил этилди. “Нарпай мангит даласи” ва “Нарпай Кувончбек” хусусий корхоналари ўз маблағлари ҳисобидан балиқчилик учун махсус ҳовуз қазиб, 23 минг дон балиқ чавақлари келтириб парваришляяптилар. Шунингдек, “Нарпай Сохибжон” хусусий корхонаси “Микрокредитбанк”нинг Оқтош бўлимидан 4,9 миллион сўм, “Мирбозор дельфин” корхонаси 10 миллион сўм кредит маблағи олиб, ҳовузлирига 12-13 минг дон балиқ чавақлари келтирилди.

Туманда асарчиликни ривожлантириш борасида Чакор, Қорақўл, Янгиариқ кишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида фаолият кўрсатаётган фермер ҳўжаликларининг ҳар бири 50 уядан асарлари оиласи сотиб олиб, иш бошлаб юбордилар. Бунинг самараси ўлароқ 13 та янги иш ўрни яратилди. Шунинг эътирофи этиш кераки, айнан тадбиркорлик соҳасига эътибор ортгани туфайли туманимизда белгиланган биринчи даражали тўловларни тўлаш режаси ўз вақтида бажарилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг январь, май ойлари учун 28398,2 миллион сўм миқдорда бюджет, пенсия ва нафақа тўловлари 100 фоиз амалга оширилди.

Иқтисодий ислохотлар натижасида туманимизда тадбиркорлик фаолиятидан ҳам иқтимоий, ҳам иқтисодий фойдага эришляяпти. Бу фойда эвазига бугун туманимизда катта бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда, олис кишлоқларга табиий газ ва тоза ичимлик сувлари бормоқда, равон йўллар қурилмоқда, маданий-маърифий тадбирлар уюштирилмоқда. Туманимизнинг ҳар бир қишлоғи тадбиркор кишиларимиз ҳаракати эвазига ободонлашмоқда. Чирой очиб, кўркамлашмоқда. □

Азим ҚОДИРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ, МИЛЛИЙ ВА ИЖТИМОЙ ОЗОДИККА ЭРИШГАН МАМЛАКАТНИНГ ҲАҚОН АНДАСАЛАРИГА ЖАВОБ БERAДИГАН АДОЛАТЛИ, ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ БАРПО ҚИЛИШНИ ЎЗ ОЛДИГА МАҚСАД ҚИЛИБ ҚўЙИШНИ ТАРАҚҚИЁТГА ЕТАҚЛАЙДИ.

БУ БОРАДА халқро тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳам ижобий самара беради. Бироқ бунда ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода масаланинг тарихига, инсониятнинг жамиятни адолатли, демократик асосда қуришга қаратилган изланишларига назар ташлаш фойдадан холи бўлмайди. "Ҳуқуқий давлат" атамаси илк бор ўн тўққизинчи асрнинг иккинчи ярмида немис ҳуқуқий адабиётида тилга олинган бўлса ҳам, унинг тушунича сифатида илдизи қадимги юнон файласуфлари Платон ва Аристотель асарларига бориб тақалади.

Аристотелнинг фикрича, эраимиздан аввалги VI асрда яшаган Салон шундай деган экан: "Мен ҳаммани озод қилдим. Бунга куч билан ҳукми мислослаштириб, қонун ҳокимлиги билан эришдим". Цицерон эса давлат ва ҳуқуқ, сиёсат ва қонун нисбатини асослашга

уриган. Цицерон давлат деганда ҳамманинг ягона қонунга бўйсунганини, жамият аъзоларининг ҳуқуқий муносабатда бўлишини тушунган, давлат мустақамлигининг асосий шарти адолат деб ҳисоблаган.

Ҳуқуқий давлат ғоясини фалсафий асослаган И.Кант қарашлари Жан Жак Руссонинг халқнинг суверен ҳуқуқи

Маърифат соати

рининг давлат қурилиши масаласида илгари сурган фикрлари эътиборлидир. Абу Наср Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри" асарида давлат арбобиға хос бўлган 12 фазилатни асослаб берди, Абул Қосим Махмуд Аз-Замахшарий ҳар бир раҳ-

тишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўз моҳияти, ички мазмунига кўра, мамлакатда, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий пойдеворидир. Асосий қонун ўзида том маънодаги демократиянинг асл мазмунини тўла-тўқис акс эттириб, фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ҳуқуқий ало-

лар Конституция доирасида ҳаракат қилади. Ҳуқуқий давлатда олий ҳакам қонун ҳисобланади, шахнинг ҳуқуқлари ва озодлиги олий даражада таъминланади, ҳокимият тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи асосланади.

Мустақиллик йилларида давлат қурилиши, жамиятнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, иқтисодийнинг тубдан ислох қилиш борасида қимматли амалий тажриба тўпланди.

Мамлакатимизда ислохотлар жараёнининг муваффақиятли ўтаётганлиги, юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, барча соҳаларда эришилётган ютуқлар, шу билан бирга маънавият ва маърифат масалаларига катта аҳамият берилиши Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат қурилиши масаласида тўғри йўлдан бораётганлигини яққол кўрсатмоқда.

Мирбаходир БАДАЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Журналистлар уюшмаси аъзоси,
профессор,
Мирослом БАДАЛОВ,
тадқиқотчи

Қонун — олий ҳакам

Ҳуқуқий давлат тушунчасининг тарихига назар

тўғрисидаги қарашларига ҳамроҳанг эди. И.Кант "қонун жамиятнинг асоси"га айланган, ҳар бир фуқаро умумий масалани ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлади ва демак, унга сўзсиз итоат қилиши, бўйсунуши шарт — деган ғояни тарғиб қилди. И.Кантнинг давлат қурилиши ҳақидаги қарашлари Гегелнинг "Ҳуқуқ фалсафаси" асарида янада ривожлантирилди.

Шу жиҳатдан Шарк мутафаккирла-

бар ҳақиқат ва адолат билан сиёсат юргизиши лозимлигига ундади. Давлат қурилиши, мамлакатни адолатли бошқариш каби масалалар, айниқса, Алишер Навоий ижодида кенг ўрин тутди. Соҳибқирон Амир Темур давлат қурилиши ҳақида асарлар битибгина қолмай, ўзи ишлаб чиққан принципларни ўз амалий фаолиятида қўллади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллик тараққиётининг дастлабки кунлариданоқ янги давлатчилик ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий (қонунчилик) асосларини яра-

қаларни оқилона уйғунлаштирмоқда.

Биз қураётган фуқаролик жамияти иқтисодийнинг кўп укладлилиги, бозор муносабатлари, виждон эркинлиги, қонун устуворлиги билан характерланади. Бундай жамият шаклланиши ҳуқуқий давлат таркиби топиши жараёни билан бевосита боғлиқдир. Ҳуқуқий давлатда ўки бу синф, сиёсий партия, гуруҳлар диктатураси истисно қилинади. Турли ижтимоий-сиёсий ташкилот-

Тизим
назорати

Талаб
қондирилди

БОЁВУТЛИК Р.Холбоев
"Ҳазратқул Абдуллоев"
номли фермер хўжали-
гини муваффақиятли
бошқариб келмоқда.

БИРОҚ кўз тегдими,
муаммога дуч келди.

Гап шундаки, 2010 йили "Боёвут пахта тозалаш" ОАЖга етказиб берган пахта хомашёси учун ўз вақтида ҳақини ундира олмади. Охири вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Бошқарма масъуллари ахволни қонуний ўрганиб ва фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси киритди. Натижада акциядорлик жамияти ҳисобидан фермер хўжалиги фойдасига 55 миллион 720 минг сўм ундириб берилди.

Бундан ташқари, вилоят адлия бошқармаси томонидан Гулистон шаҳридаги "Грен Лайн Мирзачўл" хусусий корхонаси раҳбари У.Юлдашевнинг "Дента Спектр МЧЖ" хусусий фирмаси билан тузилган шартномага асосан етказиб берилган маҳсулот учун фирма томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаётганлиги хусусидаги аризаси ҳам ўрганиб чиқилди. Натижада "Дента Спектр МЧЖ" хусусий фирмаси ҳисобидан "Грен Лайн Мирзачўл" хусусий корхонаси фойдасига ҳўжалик суди орқали 20 миллион сўм ундириб берилди.

Абдуғаффор ОМОНБОВ,
"Инсон ва қонун"
муҳбири



MILLIY VA XORIJIY VALYUTADA

OMONATLAR

MABLAG'LARINGIZNI SAQLANG VA KO'PAYTIRING!

Tel.: (99871) 244-30-22, Fax: (99871) 244-76-61


www.trustbank.uz

Гиёҳвандлик — иллат

Қабоҳат этагидан тутганлар

ОЗОД "Бухоро — Урганч" йўналиши бўйича қатновчи "Нексия"лардан бирига ўтириб, Тўрткўл томон йўл олди. Автомашина Ромитан тумани ҳудудидаги "Чандир" йўл-патруль хизмати масканига етиб келганида ИИБ ходимлари машинани тўхташтиди. Йўловчилар ва машинани текширишларини айтишганларида Озоднинг кўнглига саросима тушди. У юкни қўлида — қоғоз қутидан олиб кетаётган эди. Қути холислар иштирокида очилди. Озоднинг целлофан сумкада нима эканлигини рўй-роост айтишдан ўзга чораси қолмади. Бу бир килограммга яқин "опий" гиёҳванд моддаси экан.

Пишқичлик энди бошланган паллада Зарафшон шаҳрида истиқомат қилувчи асли хатирчилик Озод Му-



сурмонов Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл шаҳридан қовун-тарвуз олиб келгани боради. Тўрткўлда "КамаАЗ" юк машинаси ҳайдовчиси Давронбек Бобо-жонов билан танишади. Ишига қаққон, йигитни кўрган Давронбек уни уйига меҳ-

монга таклиф қилди. Гап орасида "дори", яъни гиёҳвандлик воситалари савдо-сидан мўмайгина даромад қилишини айтади.

— Харидор топсанг, пулни мен жўнатиб тураман, маблағинг ярни сенга... Укажон, аравақашлики би-

ласан-ку, узок йўлда неча кунлаб юрамиз. Кўз уйига илинмаслик учун шу "опий"-дан отиб турамиз-да, — деди гўё фақат ўзи учун кераклигига шама қилиб Давронбек.

Бу таклиф Озодни қизқитириб қўйди. Бир кун у ургутлик ўртоғиникига тўйга борганида Орифбой исмли йигит билан танишиши уни Ургут билан Тўрткўл ўртасида серкатнов қилиб қўйди. Давронбек биринчи гал 4 миллион 800 минг сўмни йўловчи такси орқали юборганди. Озод 1 миллион 300 минг сўмни ўзига олиб, қолганини Орифбойга берди. О.Ибодуллоев тергов вақтида аниқлаш имкони бўлмаган тожикистонлик Мурод исмли йигитдан 1 килограмм "опий"ни 1 миллион 200 минг сўмга олиб (унинг ўзи терговда шундай

кўрсатма беради), Озодга келтириб беради. Чўнтагида қолган пул ва "товар"ни "беталафот" эгасига етказгани Озод Мусурмоновни бу савдога банди қилиб қўйди. Бир ой ўтиб яна "савдо"нинг дарағи чиқди". Бобо-жонов яна 4 миллион 700 минг сўм юборди. Хизмат ҳақиға Озод 1 миллион 200 минг сўмни ўзига олиб Орифбойга учрашди. 1 килограмм гиёҳвандлик воситасини олиб манзилига етказди.

Кўза қунда эмас, кунда синади, дейдилар. Қалтис тижоратнинг учинчи сафариде Озод қўлга тушди.

О.Мусурмоновнинг кўрсатмаси бўйича Д.Бобо-жонов ҳамда О.Ибодуллоевлар ҳам қўлга олиниб, уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Суд бу уч ҳамтовқни қонунда кўрсатилган моддалар бўйича жиноий жавобгарликка тортиди.

Шухрат КАМОЛОВ,
жиноят ишлари бўйича
Бухоро вилояти
суди судьяси,
Меҳринисо ХУСАИНОВА,
журналист

Кўмак

Сармоядорларнинг
эркин фаолияти

қонуний асосларда
мустақамланган

ТАДБИРКОРЛИКНИ ривожлантириш сармоядорлигини ошириш, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш адлия идораларининг энг муҳим вазифаларидан бири саналади.

БУ БОРАДА Андижон вилояти адлия бошқармаси томонидан изчил фаолият олиб бориляпти. Хусусан, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" бўлган 2011 йилнинг январь, февраль, март ойлари давомида хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хорижий инвестицияни янада кўпроқ жалб этиш, янги иш ўринларини яратишда ёрдам қилиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Яъни 21 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарда мониторинг ўтказилди, уларнинг 11 та мурожаати атрофлича қўриб чиқилиб, керакли ҳуқуқий ва амалий ёрдамлар берилди, 5 та янги корхона давлат рўйхатига олинди. Корхоналарнинг манфаатларини қўлаб судларга 43 та даъво аризаси киритилди, 11 та ҳолатда текширишлар тартибини бузиш аниқланди. Давлат бошқаруви, назорат қилувчи ва хизмат кўрсатувчи идораларга жами 12 та тақдимнома киритилган бўлиб, улар натижасида жами 19 нафар мансабдор шахс интизомий жазога тортилиб, 3 нафари ўз лавозимидан озод этилди. Қонун талабига риоя этиш юзасидан киритилган 11 та огоҳнома ва ёзма кўрсатма ижроси таъминланди. 2 нафар мансабдор шахсини маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги баённомалар жиноят ишлари бўйича судларга юборилиб, суд қарорлари чиқарилди. Масалан, Олтинқўл туманидаги "Oltinkul textile" ва Андижон шаҳридаги "Андижон Фларуп Ойл Ко" қўшма корхонаси таъсисчиларини ҳуқуқий ҳимоя қилиб, ноқонуний ҳолатга йўл қўйган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан вилоят прокуратурасига таклифлар киритилди.

Бу каби саъй-ҳаракатлар тадбиркорлар ва хорижий инвесторлар учун қулай инвестициявий муҳит яратиш йўлида уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари доимий мустақам ҳимояга олинганини англатади.

Муҳаммаджон КАРИМОВ,
Андижон вилояти адлия
бошқармаси бўлим бошлиғи

ОИЛА ҳар биримиз учун энг азиз ва муътабар тарбия ўчоғи эканлиги, ҳеч ким ундан айро яшай олмамлиги, камолга етмаслигини инсониятнинг тарихий тажрибаси ва тараққиёт йўли аллақачон исбот қилган. Ҳеч муболага-сиз айтиш мумкинки, оила ҳақидаги энг мукамал ва ҳаққоний таъриф Юрт-бошимиз томонидан қуйидагича баён қилинган: "Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила инсон ҳаётининг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайди-ган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олмоғимиз даркор". Дарҳақиқат, халқ ва миллат тараққиёти инсон камолотининг олтин бешиги саналиши оиладан бошланади.

Мамлакатимиз қонунчилигида эътироф этилишича, гўдакнинг туғилиши фуқароликнинг бошланишидир. Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурч ҳамда мажбуриятлари, бола туғилган ва исми фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органида қайд этилган пайтда бошланади.

Ўзбекистон Республикасининг Оила

кодексида белгиланишича, "Бола-ларнинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, болалар туғилган

Олтин бешик

Гўдакнинг туғилиши — фуқароликнинг бошланиши

жойдаги ёки ота-онадан бирининг доимий яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида бир ой муддат ичида амалга оширилиши лозим". Ушбу кодекснинг 206-моддаси талабига мувофиқ, "Боланинг туғилиши унинг туғилганлиги ҳақидаги тиббий маълумотнома, ота-онанинг оилавий ҳолати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида қайд этилади".

Фарзанд ва оиланинг кейинги тақдирида туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарига боланинг ота-онаси ҳақида ёзилган қайдлар алоҳида аҳамият касб этади. Кодекснинг 207-моддаси бу бо-рада юзага келиши мумкин бўлган

Ришта

баҳсли ва мунозарали ҳолатларни истисно этади. Чунонки, ўзаро никоҳда бўлган ота-онадан бирининг аризаси-

ти айнан онанинг кўрсатмаси бўйича ёзилади.

Агар ота-онанинг иккаласи ҳам номаълум бўлса, ота ва она ҳақидаги ёзувлар васийлик ва ҳомийлик органи кўрсатмасига асосан ёзилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жойлардаги ФХДЭ органлари қонуннинг ушбу талабларини бажаришда ота-оналарга доимо кўмақдош ва маслаҳат-гўйдир. Бироқ, фарзанди ҳатто бало-фат ёшига етса-да, унинг туғилганлигини қайд қилдиришга шошилмаган "ота-она"лар ҳам йўқ эмас.

Шу ўринда туғилганлик фактини муддатидан кеч қайд қилдириш бир қатор қўшимча ташвиш ва қийинчиликларга сабаб бўлишини ота-оналарга еслатиб қўймоқчимиз. Бу каби вазиятларда туғилганликни қайд қилдиришдан олдин Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш муассасасига боланинг соғлиғи тўғрисида шифокорнинг ёзма хулосаси, мактаб ёки мактабгача таълим муассасасидан маълумотнома, тегишли ФХДЭ архивининг ушбу фарзанд номига туғилиш гувоҳномаси расмийлаштирилмагани ҳақидаги ҳужжат тақдим этилади.

Наргиза ҚУРБОНБЕКОВА,
Урганч шаҳар ФХДЭ мудири



Табиат сирлари

Асл мўмиё борми?

Бўри мерган ҳикоялари туркумидан

ШАҲАР бозорларида кир-сангиз турли хил гўшлар билан савдо қилувчилар рас-тасида асл мўмиё, деб таърифлаганича қиммат баҳода сотилаётган мўмиёларни, албатта, учратасиз. Аслида асл мўмиёга етиш машаққатли иш. Мўмиё бор жой ота-болалардан қолган сохрили макон бўлади.



МўМИЁНИ тошнинг ёғи, дейишади. Тоғлик кексаларнинг ривоят қилишларича, тоғ билан тўқнашиб қолганда тошлар орасидан мўмиё си-зиб чиқаркан. Бу ноёб мал-ҳам ҳақида турли хил афсона-лар, ривоятлар юради. Лекин асл мўмиё бор. Унинг минг дардга даъво эканлиги ҳам рост гап. Келинг, яхшиси, бой-сунлик Бўри мерган билан бўлган бир суҳбатни эслайлик. Бу воқеаларнинг айримлари-га камини ҳам гувоҳ бўлган. Ўтган асрда Бойсунда Омон мерган номи билан донғи чиқ-қан овчи ўтган. Фалон тоғда бир сурув кийик бор, деб эшитса, бўлди. Юз километр бўлса ҳам, кийиклар суруви-ни топиб, тақасини отаркан. Бўри мерган дегани ана шу овчининг фарзанди.

— Раҳматли отамга эрга-шиб, кўп овга борардим. Бир кунни отам билан кийиклар суруви қувиб, тоғнинг орти-га ўтиб кетдик. Отам менга баланд қояли тоғлар ораси-дан узокда тик тоғ деворига илиб қўйилган арчадан ясал-ган нарвонни дурбин орқа-ли кўрсатди.

Хў, кўрпсанми, тоғ бети-даги нарвонни? Ана шунинг устига қара, бир камар кўри-нади. Шу ерда асл мўмиё бор. Лекин мен у ёққа ҳеч ўтмаганман, ўтмайман ҳам.

Жуда хавфли. Бир-иккитаси мўмиё оламан, деб бориб, ортига қайтмаган. Зовдан учиб кетган. Эсинда бўлсин, ҳеч қачон у тарафларга бор-ма. Хавфли...

— Бу гаплар ҳали ҳам қулоғим остида жаранглаб туради. Бундан ўн беш йил илгари айиқ изидан тушиб, ўша раҳматли отам кўрсатган қояга келиб қолдим. Шу ерда ўтириб, кўзим негадир тоғ бетида осилиб турган арча нарвондан узилмасди. Барибир бориш истаги зўр чиқди. Таваккал қилиб тик деворли зов бетидаги ки-йиклар ўтавериб, сирпанчиқ ҳолга келган торғина сўқмоқ-дан юриб боравердим. Нар-вонга яқин келганда сирга-либ, тошга илиниб қолдим. Шунда кўзим пастликка туш-ди. 150 метрлар чамаси тик зов. Кўзим қоронғулашиб, шу жойда ўтириб қолдим. Орқа-га қайтишга юрак дов бер-майдди. Манзилга етай деган истакнинг қизиги билан бу ерга қандай чиқиб олганим-ни ўзим ҳам сезмай қолиб-ман. Ўтириб, нафас ростла-дим. Нима бўлса ҳам кун бо-тишдан олдин ортга қайтиш керак эди. Бўлмаса буёғи фа-

қат ўлим. Шунда пастликка яна бир нигоҳ ташладим. Ана шунда пастдаги сойдан нар-вонга чиқиш мумкин бўлган ҳозирги йўлга нисбатан ра-вонроқ сўқмоқ кўринди...

Орадан ярим ой ўтгач, ар-қон ва трослар олиб яна ўша ерга келдим. Тирмашиб на-рвонга чиқдим. Бу нарвон ўтган асрдан қолганми ёки ундан ҳам олдинми билиб бўлмайди. Нарвон ёрдамида тоғ бетидаги тоқчага чиқдим. Юқорида эса кичик горча бор. Отам айтган мўмиё шу ерда эканлигига ишонч ҳосил қилиб, юқориладим. Бор экан. Кат-кат тоғлар ораси-дан бир-бир томчилаб туриб-ди. Ана шу томчилар тошлар орасига сизилиб чиқиб, ҳар-хар жойда кичик қоптоқчадек қотиб қолган. Мўмиё суюқ ҳолда томчилаб тушса-да, сўнг шамолда қорасақичдек қотиб қолади. Тош аралаш мўмиёни болға билан май-далаб оласиз. Сўнг қайта иш-лов бериб, асл мўмиёга ай-лантисиз. Ушанда мўмиё оллатуриб, қизик бир нарсанинг гувоҳи бўлдим.

— Нимани? — сабрим чи-дамай саволга тутдим мер-ганни.

— Тоғ ёввойи асалариси-ни кўриб қолдим. Мўмиёнинг баъзи жойларида асалари-нинг ниши қадалиб қолган. Кийиклар тоғдаги мўмиёлар маконини билади. Лекин аса-ларининг мўмиёни билиши ёки ундан фойдаланишини ҳеч эшитмаганман. Бунга ке-йинроқ, яна бир воқеадан сўнг ишонч ҳосил қилдим.

— Қандай қилиб? — сўра-дим ундан.

— Бир йили ўша томонга овга борганимда, таниш чўпон яйлов бошидаги тоғ-дан тушадиغان айиқ отарга оқшомлари тинчлик бермаяп-ти, деб нолиди. Айиқ келди дегунча, итлар ҳам вовулла-май қўяди. Ёрдамнинг керак дегани учун унинг изига ту-шиб, тоғнинг хилват гўшаси-да айиқ горига кириб қолдим. Карасам, горнинг тепа қис-мида асалари ясаган каттақон замбуруғлар осилиб турибди. Баъзи бир жойларини айиқ қўғур тираб еб қўйган. Та-тиб кўрдим. Замбуруғ мўми-ёдан ясалган. Мўмиё ёввойи ари томонидан қайта ишлан-ганлиги туфайли, таъми ҳам бўлакча. Ана шунда тоғ қати-даги мўмиёда мен кўрган аса-ларининг нишлари қолганли-гига ақлим етди. Демак, ёввойи асалари ҳам мўмиё-дан истеъмол қиларкан.

Ҳар йили август ойида ўзим билган мўмиё қоясига бора-ман. Сал нотўғри қадам бос-санг тилка-пора бўлиб кетиш ҳеч гап эмас. Менга эса бу нарсани ўрганишдай бўлиб қол-ган. Бормасам, касал бўлиб қоламан. Асл мўмиёнинг эса шифобахшлигини таъриф-лашга сўз камлик қилади.

Момолардан эшитганман. Мўмиёни ярим тунда, барча жонивор тинчликка кетган пайт истеъмол қилиш керак, деб. Минг дардга даъво аф-сонавий малҳам. Тозаси эса тилла билан барабардир. Бўри мерган ҳаётини гаров-га қўйиб, шифо излаб юр-ган ҳамюртларига ана шу асл мўмиёни баҳам кўриб юрган танти мерганлардан.

Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун"
муҳбири



“Асака”

банк (ОАЖ) жамоаси

27 июнь — Матбуот
ва оммавий ахборотвоситалари
ходимлари кунмуносабати билан
соҳанинг барча
вакиллари, фидойи
журналистлар,
матбаачиларва меҳнат фахрийларини
муборакбод этади!КОРПОРАЦИЯДА
ЯНГИ ОПЦИЯЛАР!

«КОРПОРАЦИЯ» ТАРИФ РЕЖАЛАРИ

Энди «Корпорация Профи» тарифида 100 тадан SMS, MMS ва МБ

«Корпорация VIP» тарифида эса тармоқ ичида чексиз мулоқот

ва 300 тадан SMS, MMS ва МБ

Абонент тўлови эса ўзгаришсиз.



МТС

бир қадам олдинда



Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 15 июндаги 77-ум-сонли буйруғига асосан Каттақўрғон шаҳридаги "Каттақўрғон ҳимоя" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Баба-муратов Улуғбек Шавкатович номига вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 8 июнь кунин берилган SA 000114-рақамли, Самарқанд шаҳридаги "Самарқанд қонун устуворлиги" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Юлдашев Сайфиддин Абдулваҳидович номига вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 12 июнь кунин берилган SA 000228-рақамли ва Самарқанд шаҳридаги "Снб" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Базарова Дилноза Абдулқононовна номига вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 9 июнь кунин берилган SA 000195-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларнинг амал қилиши ва адвокатлик макрами тугатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазир-лигининг 2011 йил 27 июндаги 71-ум-сонли буй-руғига асосан Нукус шаҳридаги "XABEAS NAJO" адвокатлик фирмаси давлат рўйхатидан чиқари-лди ва адвокатлик фирмаси адвокати Якубова Зе-варжон Абдуллаевнага Адлия вазирлиги томони-дан берилган адвокатлик макрами уч ойдан ош-майдиغان муддатда мавжуд адвокатлик тузилма-ларидан бирига киргунига қадар бўлган даврга-ча тўхтатилди.

Наманган вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 22 июндаги 83-ум-сонли буйруғига асосан Му-саев Хамид Фозиловичга вилоят адлия бошқарма-си томонидан 2009 йил 25 майда берилган SI 000037 рақамли адвокатлик фаолияти билан шу-ғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қили-ши ва адвокатлик макрами Вазирлар Маҳкамаси-нинг 60-сон қарори билан тасдиқланган Адвокат-лик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низом-нинг 26-банди иккинчи қабачисига асосан ному-айян муддатга тўхтатилди.

Сирдарё вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 22 июндаги 83-ум-сонли буйруғига асосан Му-саев Хамид Фозиловичга вилоят адлия бошқарма-си томонидан 2009 йил 25 майда берилган SI 000037 рақамли адвокатлик фаолияти билан шу-ғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қили-ши ва адвокатлик макрами Вазирлар Маҳкамаси-нинг 60-сон қарори билан тасдиқланган Адвокат-лик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низом-нинг 26-банди иккинчи қабачисига асосан ному-айян муддатга тўхтатилди.

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 20 июндаги 135-ум-сонли буйруғига асо-сан Исаева Дилноза Замировна "Бухоро" ад-вокатлар ҳайъати таъсисчилигидан чиқиши ва бошқа адвокатлик тузилмасига кирмаганлиги муносабати билан бошқа адвокатлик тузилма-си ташкил эттунига қадар ёки мавжуд адво-катлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар 3 ойдан ошмайдиغان муддатга адвокатлик ма-қоми тўхтатилди.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИСА:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январдан
нашр этилади

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва Ахборот
саноати вазирлиги
0001-решен Билим
руйхатида олиниши

ISSN 1020-7477
777030747004

Бош
муҳаррир:
Кўчкор
НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Ҳидоятлов Райрат Ботирович
Мустафаев Бўришот Мустафаевич
Ражабова Маяжуда Абдуллаевна
Очилов Алижон Мухлисович

Раҳмонов Абдуқамол Шодиевич
Султонов Алимқул Тонбекович
Тураев Тура Эргашевич
Сайдов Шокир Камолович

Навбатчи:
Ербек
ИСКАНДАРОВА
Саҳифаловчи:
Тулқун
РАУПОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма j-2122. Тиражи — 20346. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилиш — 19.00 — тижорат мақола.

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш.
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-uz
Сотувда эркин нархда
1 2 3 4 5